

# Абай

*Шеърлар  
ва поэмалар*

*Ғафур Ғулом номидаги  
адабиёт ва санъат нашириёти  
Тошкент—1970*

*Абай Құнанбай ұғли  
қардош қозоқ халқининг  
буюк шоури ва фахридир.  
Абай әнг қоронғы  
бүр замонда дүниёса келди  
ва оғир иатиробли  
бүр әаёт гүвөзи бүлди.  
У буюк сұза үстасидир.  
Үнниң асарларыда  
үтмиси аср лавғалари,  
қозоқ әаёти гүё күзгүда  
күрингандаид аниқ күринади.  
Абай асарлари  
жуда күп тилларда  
жарангламоқда.*

*Түлдірилған,  
түзатилған  
иккінчи нашри*

# ўлан

Ўлан — сўзнишг ишшоси, сўз сараси,  
Қийинидав қўйиштираср эр доноси,  
Тизга енгил, юракка илиқ тегиб,  
Теп-текис, силлиқ келсин айланаси.

Сараланмай, булғанса сўз ораси,  
Бу — оқинишиг билимсиз, бечораси.  
Ҳам оқин, ҳам тингловчи кўпи нодон,  
Сўз танимас бу юртлариг бир пораси<sup>1</sup>.

Сўз боши аввал ҳадис, оят бўлур,  
Шираси ҳам маъноси ғоят бўлур.  
Пайғамбар ҳам сўзини ўлан қилган;  
Ўлан айтай, шоядки кўнглим тўлур.

Ўландай хутба ўқир кекса мулло,  
Ўлан айтиб йиғлаган валиюлло,<sup>2</sup>  
Ҳамма ҳам чамасича ўлан ўқир,  
Ўлан билан ёзилган калимулло<sup>3</sup>.

Ўланга ишқимиз бор қадим чоқдпи,  
Лекин қандай паф бўлар мақтамокдин!

<sup>1</sup> Бир пораси — бу ўринда бир бўлати маъвосида.

<sup>2</sup> Валиюлло — оллонинг валиси.

<sup>3</sup> Калимullo — оллонинг сўзи, китоби, қуръон.

Нчи зар, сирти кумупи суз яхшиени —  
Келиштирас ким ҳам бор мўл қозоқдими?..

Сузни чөрзаб сузласанг ҳар ким спімар,  
Мақол қўшиб сўзларкага жекса бийлар.  
Оқинлари беакл, иодон экан,  
Бекор сўзи төнидағи нуқул ийлар.

Қўлида ҳам қўбизи, ҳам дўмбира,  
Ҳаммага маҳтоб ўқир, қўймас сира.  
Ўлан айтиб хайр тилар элини кезиб.  
Сўз қадрини ерга ураг, бўлиб хира.

Мол учун сўзни безар, виждан сотар,  
Мол учун бўйин эгар, молдай етар.  
Мол учун ҳам алдайди, ҳам аврайди,  
Э, худо, ту оқинлар қачон қотар?

Бойларни маҳтай бериб сўз қолмати,  
Ўлан айтиб, мол йигиб, бой бўлмати.  
Ўланинг қадри кетди эл ичиди,  
Қадрини кеткизганилар йўқоммати...

Жекса бийдек мақолга бурмагайман,  
Ё оқиндек хайр тилаб юрмагайман.  
Сўзим — ўзга, тингловчи сен ҳам тузал,  
Беҳуда гапдан сухбат қурмагайман.

Эл чопган ботирлардан сўйлаб берсам,  
Ошиқлар, маъшуқлардан куйлаб берсам,  
Апчайин ҳангома деб тинглардингиз,  
Сўзларнинг сарасини сўйлаб берсам...

Аммо, ақл чақирилмагац меҳмон эмиш,  
Ақли борга бувдай умр зиндан эмиш...

Кечиришт, подоиларга тегиб ўтсам,  
Бу элда түери айтган ёмон эмиш...

Түгри сўзлик ўланим ўзинг кўркам!  
Майли, татимаса ҳам сўйла бардам!..  
Бу юрт сўз ошигимас мол ошиги,  
Розиман, миигдан бири тушунса ҳам...

Ўзи билак ёвлашгани юртим, тингла!  
Ўзи билан довлашган юртим, тингла!  
Дардингга даво бўлсени ўланларим,  
Бир-бирини овлашган юртим, тингла!

Наҳот сенда қолмаган иомус ва ор?  
Наҳот иомус ва инсоф эмас даркор?  
Теран ўй, теран илм йўлнинг очсин,  
Елғон ўлан ва сўздан олам безор...

1687

.

© © ©

Гўдак учун бешиги — каттакон олам,  
Онасиининг оқ қўкси — жонажон олам;  
Кенг саҳро ҳам тор келар улғайтавида,  
Ўтовидай кўринар бепоён олам.

1880.

## *бургутчи*

Қор ёққанда бургутчи чиқар овга,  
Тошдан тулки топилар нойлаганга.  
Яхни от, тотув йўлдош — бир ғанимат,  
Яҳшидир ихчам кийим овчи одамга.

Бирданига йўлиқса тулки ши  
Ахтариб овчи ҳарён кўз солганда.  
Бургутчи төг бошида, қўлда бургут  
Кетган изни синчиклаб пайқаганда.

---

Тумагини бургутчи бошдан олар,  
Қирон қуш кўзи курпоб интилганда.  
Наст учсам туаки ўрлар, қутулар деб,  
Учади кўз ўйнатиб тик осмонга.

Қўриб, тўхтаб қолади қочган тулки  
Қутулмасин билган-чун бўши қочганга,  
Оғзи очиб қақақлаб, тишин қайраб,  
У ҳам курам қилади чивин жонга.

Қизиқар шунида овчи, завққа тўлиб  
От қўяр қарамай ҳеч ўиқилганга.  
Қирқ пичоқ-ла гижиниб турган тулки,  
У ҳам ўнгай ёв эмас, зўр қиронга.

Саккиз лайза қўлида кўз олмасдан  
Ботир ҳам ташланади у қурбонга.  
Қанот, думи шувиллаб ишқиради,  
Кўкдан қирон яшпидай қуйилганда.

Ярқ-юрқ этиб иккови олтшади.  
Якка ботир чиққандай жанг майдонга,  
Бирин ҳаво, бирин ер ёввойиси,  
Одам учун боташар қизил қонга.

Қор — оппоқ, бургут — қора, тулки — қизил  
Үхшайди түзал сувда чұмилғанга.  
Қора сочин күтариб иккі бармоқ,  
Ү ҳам билқ-билқ этмасми сийлаганда.

Оппоқ әт, қип-қизил бет яп-яланғоч,  
Қора соч қизил юзни яширганда  
Күёвп әр, қайлиғи гүзал бўлиб,  
Яна ўхшар тор тўшакда ётишгаяга.

Ягриви орқасидап билқиллайди,  
Қирон букилиб остига дал босганда.  
Қуши ҳам эгасига хўроозланар,  
Олтмиз иккі ҳийлали сайд олганда.

Овчининг чеҳрасига шодлик чиқар.  
Тулкини қаижигага бойлаганда.  
Силқиб кийиб тумагин, ҳам иносвойин  
Бир отасан дилга шодлик жойлаганда.

Тогдаң жийда терғандай ола берса,  
Бир япайсан хуморииг ҳар қонганда.  
Кўнглида йўқ ҳеч қандай ёмон ният,  
Он бўлади кепгаппинг, қуш солганда.

Ҳеч кимга зпёни йўқ ўзим кўргап,  
Хўб, қизиқ иш экан бу шум дунёда.  
Сезгиси чуқур ҳамда ақли борга  
Барин аниқ кўриниар ўйлаганда.

Үқмассан устин қараб ўта берсанг,  
Суратин кўролмассан кўп боқмасанг.  
Кўланкаси тушади тез кўнгливигта  
Ҳар сўзни бир ўйланиб салмоқласанг.

Иигитлар, бу сўзиниг ҳеч маъносини,  
Билолмассан қуни солтоб завқ олмасанг.

1882.

Ярқироқ оқ кумушдай кенг маглайли,  
Жон олгич қора қўзи нур яшнайди.  
Ингичка қора қоши чизиб қўйган  
Биргина ўхшатаман туққан ойни.

Манглайдан тўғри тушган қирра бурун,  
Нурли юз, қирмизи бет, тил бойлайди.  
Лаб очса, кўринади инжу тинш,  
Худди қўлда тизгавдан... ич қайнайди.

Сўзлари кўп одобли ва маъноли,  
Куйласа боғда булбул сайрагандай.  
Товланган оқ шоҳидай томоги бор,  
Бир кўрсанг кўнглинг тамом яирагандай.

Яғини тахтакашдай, елкаси тик,  
Қўш олма гавдасида қийшаймайди.  
Чиройли — узун эмас, қисқа эмас —  
Нозик бел, тол хиличдай буронглайди.

Ёш боланинг билагидай билаги бор,  
Ажинсиз оқ бармоқлар ишга чевар,  
Сунбул қора сочи бор ишак толли,  
Бир кўргач ҳар қандай кўз уни севар.

Қандай қизда лаззат бор жон тотмаган?!

Гўзали бу замониянг тек ётмаган,  
Ўн саккиз-ўн тўққизга желгавдан сўнг,  
Олмаси ўпка бўлар қўл ботмаган.

Булярнинг тоҳ бирининг минаzlари —  
Ҳеч нарса қўрмагандай буртонглайди,  
Гоҳ бири солда, очиқ бўламан деб,  
Ўринсиз одамлар-ла, жиртанглайди.

Аввалдан гўзал ҳоли бизга маълум.  
Юрт ёқлаган йигитни қиз мактайди.  
Гоҳ йигит орсизларча уялмасдан,  
Қўли етмас шарсага тиртонглайди.

Ўринли ишга юриб ўй топмаган,  
Эпин топиб меҳнат-ла, мол боқмаган.  
Хосиятли бўлмайди ундей йигит,  
Анчайин бескор юриб лақиллаган.

---

1884.

Ёшлиқдан билим излаб югурмадим;  
Хайрин билдим, бироқ, юз ўргумадим.  
Ұлгайгаңда қарасам қўлим қурук,  
Кечикиб қўл чўэдиму, улгурмадим..

Билимсиз қолғанимга ким гуниҳкор?  
Изласам бўлармидим мунчалик хор?  
Одамзод тасаллиси фарзанд экан,  
Фарзандимни билимга қўймадим зор...

Мадрасага бердим мен адаб учун.  
Билим учун, наинки, мансаб учун!  
Ўзим ҳам юксакларга қанот қоқдим,  
Айб бўлмас орэу учун — талаб учун...

Ким айтар: ёмон бўлдим, йўлдан қайтдим?  
Қозоққа ширин-ширия ўлан айтдим;  
Ўланда ҳеч ким менга тенг келмади,  
Лекин, қадрим тополмай, ўксишмал жим...  
*1885.*



Қаридик, ғамта ботдик, уйқу сергак,  
Аччиғинғ худди заҳар, ўйинг кўлмак.  
Дардланнишга кини йўқ сўя уқарлиқ,  
Ким кўнгилни кўтариб бўлар эрмак.

Еш — қарир, йўқ — тугилар, тугилган —  
ўлар,  
Тандир йўқ, ўтган умр қайтиб келмас;  
Боғтап из, кўрган қизиқ қола берар,  
Бир худодаи бошқанинг барп ўзгарар.

Мард иши ақлга кирмас бўйни енгар,  
Хунарензишлар қилиғи чала кўрар.  
Чин ўйламай бериллиб бир иш қилмай,  
Эринчак оқибатда кўпга кўпар.

Ёмонлар қилолмайди ҳилол эмгак,  
Ғарлик, ўғирлик қилиб кулар тоза,  
Ҳаром ишдан ёмонлик кўрмай қолмас,  
Миср кун синмас, бир куни синар кўза.

Одамзод тирикликини давлат билсин,  
Ақл топсин, мол топсин, ҳалол юрсип.  
Икковининг бири йўқ овул кезиб,  
Хўр бўлиб, бекорга кун ўтказмасин.

Нодонлар бўш сўзларга қулоқ солар,  
Чин сўзининг пойдасидан четда қолар.  
Рост сўзининг ҳеч билмайди хосиятини,  
Чинни қўйиб, йўқ сўздан лаззат олар.

Ақалниң қора құлни қарқа бўлар,  
Ҳар нарсага ўзандай баҳо берар.  
Нодон киши ҳеч нарса билмай туриб,  
Махтаниб, кўча-кўйда кўкрак керар.

Халқа ичидан ён, сиртдан қулар,  
Тиригида дўстин сўкиб, ўлса йиғлар.  
Бир-икки йўли бўлгая киши кўрса,  
Худо сенуб яратган ушибу деяр.

Эл бузилса тонади, шайтон ўринақ,  
Фаришта пастга тушиб, қайғи ёмак,  
Ўзимниңг итлигимдан бўзди демай,  
Енгди-ку, деб шайтонга қислар кўмак.

Қўлдан кела берарми юрт бошқармоқ,  
Ҳалоллик, ҳаромликни ким тенг кўтар?  
Шуҳрат учун гайратсан бўлис бўлмоқ,  
Итдай бўлиб ўзига сўз келтирас.

1886.

## ❶ ❷ ❸

Ҳаридик, ҳам битмай, кўнайди армон;  
Биздан сўнг ёшлиарга қолади замон.  
Уларнииг хулқидан кўнглим хавотир:  
Тер тўкмай, юлгутлик пайида ҳамон.

Бой олар, «такаға совлиқ берай» деб,  
«Кезида қўйниингга солиб берай» деб,  
Бий билан бўлис ҳам роса ишлатар  
«Қўйшиингдан ўчинги олаб берай» деб.

Дўст дейди: бермасанг ўзингдан кўр,  
Йўқ дессанг, тилингдан, сўзингдан кўр;  
Эртага евларнииг қаторида  
Мени ҳам илгасанг — кўзингдан кўр.

Шумлари шумлиқдан панд бермоқчи,  
Сўйдим деб, суйкалиб, тўш кермоқчи;  
Юз қўйниинг икки юз харидори  
Бир бошдан ипох-туёқ текширмоқчи.

Мол сўйса, сен ҳам сўй деганидир,  
Эл йигса — ўзининг еганидир.  
Ҳаргадай қағиллаб юрт тўпланса  
Ўзини қул қилиб берганидир.

Юз-хотир қилмайди, оғзи чатоқ,  
Онт ячар, билмайди — лафзи чатоқ.  
Ўзидан бўшроғи дуч келганда  
Ит бўлиб қопади, нафси чатоқ.

Эрк бердим сайловга, дейди ўрис,  
Кимники сайласанг, дермая дуруст.  
Бузилса бузилди, тузалмади  
У тўра бўлгач ҳам, бизнинг улус.

Жуда кўп ҳаромни ои кўрганлар,  
Ганиресанг юзини чет бурганлар.  
Бормикан астойдил рози булиб  
Худонинг бирганини об юрганлар.

Отаси ўтлидан ор қиласди,  
Оғаси инисин хор қиласди,  
Бироғи мол учун виждан сотиб,  
Епирай, йўқ ердан бор қиласди.

Мехр йўқ, қўним йўқ, бари чигал,  
Бир-бирик кўроямас бовур-жигар.  
Эл тўзғиб низодан, соб бўлади-ку,  
Жон деб пепи яратдигиг, парвардигор?

Онт ичиб бахши этган жони қурсени,  
Ор сотиб ундиргани моли қурсени;  
Умрингнинг қириқ орига тузоқ қўйиб,  
Қувликни касб этганинг ҳоли қурсени!

1886.

Бойлар юрар мол- қорасин қўриқлатиб,  
 Ўнни бериб, ўрнига юа олар сотиб.  
 Ўнин олған тўқсонидан тама қилар,  
 Худо уриб қўйган юртни, инсоғ жетиб.  
 Бориб келса Иртишнинг сувин тотиб,  
 Бериб келса бир арза қўшиб-чатиб,  
 Эл олиб, Эдел олиб кайф қилгандек,  
 Терлаб-пишиб, қабариб келаётиб.  
 Бир айланиб келса отип ориқлатар,  
 Чиқим бўлиб, белигача қарага ботиб.  
 Шум — шумшук деб, қув билгич деб аталмоғи  
 Хумор қизар танасини қопжиратиб.  
 Чурқ этмаса, қўрқди деб қув беришмас,  
 Нои ҳам чопар қалъага түхмат тоши отиб.  
 Кучли чақмоқ азал бошдан бойга ҳосдир,  
 Қўлга тушар силласи қуриб-қотиб.  
 Жони ширинни яхтига қўшамап деб,  
 Ҳар ким бир пт сақлайди ириллатиб.

7886.

Кўнглим қолди дўстдан-да, душмандаи-да,  
Алдамаган ким қолди тирик жонда?  
Олис-яқин қозоқнинг барин кўрдим,  
Якка ярим колмаса онда-сонда.

Нафинг тегса, қалин дўст бўлгай бирор,  
Бошингга иш тушганда қочгай дарров.  
Шу ҳам менга ўхшаган бир бандада деб  
Ким қолар бу майдонда юраги дов?

Хозирги юртнинг иши ўғри-ғарлик,  
Саноқли жон кўрмадим сўз уқарлик.  
Бу замонда ҳеч на йўқ, унга боқиб,  
Меҳр қониб, масти бўлиб қувонарлик.

Бойлар ҳам мол қадрини била олмас,  
Ез ўтказиб, куз отини мина олмас.  
Кунда мол ўғирлатиб, из йўқотиб,  
Изза бўлиб, иржайиб кула олмас.

Савдогар тинчроқ савдо қила олмас,  
Қўлдан неки кетди, боз ола олмас.  
Элдан яри хум юриб, тўпда тонар  
Орсизлардан кўягли ҳеч тина олмас.

• Эслилар ҳам эсига қувонишмас,  
«Эл озди» деб нодонлар мунгайишмас.  
Ола илон, оч бақа тахлит бари,  
Ҳайиқинимас, улканидан уялишмас.

Ҳакамлар-ку ҳакамлигини қила олмас,  
Үғриларни, бузуқларни тия олмас.  
Телба-тентак безорига жазо берив,  
Танобини ҳеч ким тортиб қўя олмас.

Қариндошинг қора ерга тиқмоқ истар,  
Бир-бирининг сўзларини олмай кетар,  
Қуда-анди, дўсту ерон, бола-чақа  
Бир ёқадаи бош чиқармай яшаб ўтар.

Бир кучли кўп тентакни йиға олмас,  
Юрагида не-не дард — чиңа олмас.  
Ароқ ичиб, маст бўлар юрт бир текис,  
На фойдасини, на зиёнини била олмас.

Эз етилиб, яйловга қўнолмайди,  
Куз — кузакда бежанижал бўлолмайди.  
Ким — қишлоғининг шинп-шийданг, бу ҳам бало,  
Торлик қилиб, чорва ҳеч ўнголмайди.

Еши кичик улкандан уялмайди,  
Баднафенини бўш қўйған, тиёлмайди.  
Салом — бурч, сўз ҳам қувлик бўлгандан сўнг,  
Номус қайда, ор қайда, бу — синалмайди.

1886.

Адашғавнинг олди — жўп, орти — сўқмоқ,  
Уларга жўн бекорчи сўзни уқмоқ.  
Қош керик; молга ботған ниши янглиғ  
Ўнда йўқ эгриликдан қитдай қўрқмоқ.

Бир тағ мата чопони қалта-ю чоқ,  
Белин боғлаб, гердаяр, алтоқ-талтоқ,  
Богичларни томокка тортаман деб,  
Оқ тумоғини қулоғи кир ва шалтоқ.

Ез куни ҳам бошидән бурки тушмас,  
Қўлида бир тағ таек у ҳам очиоқ.  
Керагага тасгини санчоб қўниб,  
Бўркани илиб, қараайди ялтоқ-ялтоқ.

Чалвори қувлигига гувоҳ ёлғиз,  
Тиззасини тортқилар ўтиrsaёқ.  
Тутқуидаги кишидай бир ҳоли бор,  
Куни бўйи очиниб, излар ётоқ.

Ким учраса ўзини тенгдои иўриб,  
Иши унинг суйкаймоқ ва тиржаймоқ.  
Сўзласа башараси юз турланар —  
Қоми кермоқ, бўйин бурмоқ, хўроаламоқ.

Бундай шийданг эл ичра учрағ кўпроқ,  
Барчаси ҳам чорвада ўлоқ-чўлоқ,

Ини нуч, лекин спрти ялтврайди,  
Бекорчи, шовқин солар ва мақтанчоқ.

Йўқ уларнинг фикрида молии боқмоқ,  
Меҳнат қилиб, ҳунар билан әлга ёқмоқ.  
Ёлғиз отин терлатиб эл қидирар,  
Саломланмай, шашаляр кўрса олчоқ.

1886.

◎ ◎ ◎

Бўз болалик чинакам гўзал даврон,  
Лекин қарин манглайдада бор-ку аёи.  
Ешликда кўкрак керпк, ваҳима йўқ,  
Бахт қайдада деб юрмаймиз спра ҳайрон.

Ўлан айтмоқ эрта-кеч бизнинг юмуш,  
Латифадаи иборат гўё турмуш.  
Қизлиқ овул ёнидан кетолмасдан,  
Махтанчоқлик этади дилини хуш.

Деманглар: «Уимас ишга юпанайлик,  
Ақл топсак, мол топсак — қувонайлик...  
Ёр севгандада бирни сев, ташлаб топиб,  
Кунда бир ошиқлик бу — девоналик.

Етилкда бир кулганинг — бир қоралик!  
Кулки деган бир кўрар бечоралик.  
Аввало ҳунар изла, қўлдан келса,  
Ё тер тўккип, кўрмайсан ҳеч хоралик.

Тўй бўлса, тўн кплялик, юр — борайлик,  
Биримизни биримиз ағдаратайлик,  
От ориқлар, тўн тўзар, қадр кетар,  
Эс борида бу гапга бир қарайлик...

Мард ҳислати, асининг борлигиидир,  
Мушкиули — дунё қўлини торлигиидир.

<sup>1</sup> Бир қоралик — бир мол баҳосида.

«Ҳай-ҳай» билан бўларни, бўз болалар,  
Бу беви кунлик дунё эр орлигидир.

Ҳуморлигинг тутса ҳам берилма ҳеч,  
Ҷаҳима йўқ олдимда деб билма ҳеч.  
Ялиниб ва ёлвориб, сарсон кезиб,  
Кўрасан барини ҳа, керилма ҳеч.

Олифталиқдир бошга битган бало,  
Унинг ҳам сўнг манзили бор аввало.  
Ўғри ҳам бўлар киши, дайди-саёқ,  
Мол топмаса меҳнатга бўлиб шайдо.

Оталар бошдан ақл бўлмаса гар,  
Ўйлатинига йўқ эса ё акалар,  
Қайдан топар ўтказган давронинг,  
Охирида кимдан бориб у ўпкалар?

Бу элда бўз бола йўқ, сўз укарлик,  
Яхши айнирга бия йўқ от туғарлик.  
Ҳайтовур, оқсоқоллар айтмади деб  
Юрмасин-да, озгина сўз чиқардик.

1886.



Йигитлар, ўйин арzon, кулғи қиммат,  
Иккиси иккى нарса — сир ва симбат.  
Сохта эмас, чин қалбдан қуладиган  
Киши бўлса, ярайди қилса сұхбат.

Бир хил одам тинглар уйдан чиққанича,  
Бир хил одам қулоқ осар уқиқанича.  
Сўз маъносин тушуниар баъзиси бор,  
Авайлар ҳар бир сўзни ўз ҳолича.

Чин юракдан севса экан қимни севса,  
Ўз сўзида турса экан ёнса, куйса.  
Бир хил нозик, ишак каби бўз болалар,  
Арzon бўёқ каби айнар бир нам тегса.

Бўз болага келишади талабчаник,  
Хуш феълиник, ҳунар билиш ва ишчаник.  
Баъзи йигит сиртидан хуш кўринади,  
Қилган иши мақтандоқлик ва майманлик.

Шу ажойиб куиларишни тотув ўтказ,  
Етишмаса бирингики, биринг етказ.  
Богараз, иноқ бўлгин чин кўнгилдаи,  
Хиёнатли бўлишиликни дилдан кетказ!

Бир ерда бирга юрсанг бопинг қўтиб,  
Бир-бирингга сўзлагин қалбдал жўшиб,  
Бир-бирингни ҳурмат этил, иззат этил,  
Турмагин бир-бирингдан қўрқиб, чўчиб.

Чин дўстлик, сұхбатдошик улуг инидир,  
Бунишіг қадрии поқобилемар билмас ҳеч бир.  
Чин инсон ортдан сўзлаб, кулиб юрмас,  
Ўзгаларга эйнҳор-эйнҳор етказмас сир.

Бадавлат йигитман, деб, ҳамон бўлмас!  
Енгилтаклик қилсанг сира кўнгил тўлмас.  
Эр йигит ўз йўлини топиб юрсиз,  
Ҳаромитомоқ бўлсанг агар, баҳтиш кулмас.

Бирорни ҳусни бор деб яхши кўрма,  
Бекарор нафесиг учун чопиб юрма!  
Хотин яхши бўлмайди ҳусни билан,  
Хулқини яхши бўлмай кўнгил берма!

Кўп чидамас, арзои мато тездан тўзар.  
Ўткинчи, енгим ҳавас дилни бузар.  
Кунда кўрган битта бетдан кўнгил қолса,  
Килини қирқ сргаи доим ўзар.

Юрагининг тўлқинин хатдай таянр,  
Қандайча сеадирмайди сўқса томир.  
Ер учун жониниги ҳам фидо қилиб —  
Юраганингни билса албат, қилар сабр.

Ҳа деганда кўринар сулуя ортиқ,  
Бизгин, кўни улариниг бўлар инжиқ.  
«Бетим бор-да, бетимга ким чидар» деб,  
Нири расо бино қўяр, бири тавтиқ.

Акът керак, иш керак, хулиқ керак,  
Эр уилар иш қиммас бўлса эйрак.  
Ишила, шилқим, лўттибоз бўлса агар,  
Ундейларга дўст топилар жуда сийрак.

Хотининг сени суйса, сен уни суй.  
Бирга ёниб, бирга шодлан, бир ўтда куй,  
Ир акдан, хотини доно, лобар,  
Тотув бўлиб яшаса гуллайди уй.

Пўқ бўлса хотининг четдаян ёри  
Ва бўлмаса хулқининг курдикори,  
Кўнгли тоза, қалби соғ бўлса бир гул,  
Ҳамон бирга боршиш баҳт сарни.

Безанган, моли кўп, деб, бойдан озма,  
Пўқсул қизи арзои, деб ҳеч хўрланма.  
Ори бор, ақли бор, иномуси бор,  
Ота, она қизидан ғофил қолма.

Уйингга тотув тенгдош келса кириб,  
Қовоқ солма сен уни иймандириб.  
Эри севгани киншини у ҳам севсин,  
Хизмат қилисин кўнгли тоза юриб.

Боадаб, очиқ кўнгил бўлсин ўзи,  
Маъниоли дил оғритмас бўлсин сўзи.  
Сен уни ҳурмат қилиб сўзлагандага,  
Хотинингда бўлмасин унинг кўзи.

Дўст бўлади бугун тотув, эртан ботар —  
Қалбинга. Ҳамма иши сени сотар.  
Юрагида бузуқлик йўқ, хиёнат йўқ,  
Чип дўстини кўнгли очиқ кимса тошар.

«Фойда», «мол» деб туғилар эндиғи ёш,  
Мехнат қилиб, терии тўкиб ҳеч ишламас.  
Ёймачилик қилар ўзи кулки бўлиб,  
Олса бермас, ҳамон унинг кўзи тўймас.

Савдо иши қимор каби — олиш, бериш,  
Кўп кишининг қилған касби, мана шу иш.  
Бирн фойда талашиб, бири алдаб,  
Довлашиб, уришиб, сипдирад тиши.

Еш болалар тез орада дўстлашади,  
Жуда яқши иноқ бўлиб олишади.  
Бир-бирни қучоқлаб, ҳайқирпийб.  
Ўйни битар чоғида солишади.

Биттаси ўиелаб келса уйни томони,  
Ота-она шояқли солар ундан емон.  
Тотувлиги қуриб кетсани, ўйини ҳам,  
Худди шунга ўхшайди ушбу замони.

Ёмон дўстлик қазиёди ўзингга гўр,  
Ишонсанг унга, бир кун бўласан хўр.  
Ори бор, уяти бор зўрга ишон,  
Ўзи эўранинг бўлади ҳиммати зўр.

Қозоқнинг қайси элининг бор сараси.  
Қилт этсанг доим тайёр бир балоси.  
Хулқининг бир белгиси туҳмат қилиш,  
Йўқ бўлса ҳам бепи бериб, олти оласи.

1886.



Бозорга, қараб турсам, ҳар ким борар,  
Излагани на бўлса шу топилар.  
Бирор овқат олади, бирор маржон,  
Ҳар кимга бир хил нарса бермас бозор.

Ҳар кимниг излаган бир нарсаси бор,  
Чамалаб оқчасига шундан олар.  
Бирор уқмас бу сўзи — бирор уқар,  
Баҳосин фадъм қилимай ҳайрон қолар.

Сўз уқар ушбу қунда киши борми?  
Демайман сўзи юртга бирдай ёкар.  
Ёзган сўнг ерда қолмас тешик мунчоқ,  
Бирордан-бирор олиб, элга тарар.

Бир кишинас ёзганим ялпи юрт-ку,  
Фижинимаёт чироқлар уқсанг ярас.  
«Ит маржонни на ғилсии» — деган сўз бор,  
Дили утли йигитлар бир ўйланар.

1886.



Илм топмай маҳтанима,  
Үрин топмай бопланма,  
Хумерланиб шодланма,  
Үйнаб бекор кулишга!  
Беш нарсадан қочиқ бўл!  
Беш шарсага ошиқ бўл!  
Одам бўламан десангиз.  
Тилагинг, умринг олдингда,  
Унга қайғу есангиз.  
Елон-япик, маҳтаник.  
Эринчак, бекор мол чочмоқ,  
Беш душманинг билсангиз!  
Талаб, меҳнат, теран ўй.  
Қаноат, раҳм, ўйлаб қўй.  
Беш асл иш – кўисангиз.  
Ёмонлик кўрсанг пафратли,  
Совутиб кўигил тийсангиз.  
Яхшилик кўрсанг ибратли,  
Уни ўйга йигсангиз.  
Олим бўлмайин нима?  
Болаликни қийсангиз.  
Бўлмасанғ ҳам ўхшаб бок,  
Бир олимни кўрсангиз.  
«Ундаи бўлмоқ қайда?» деб.  
Айтма илм суйсангиз.  
Сизга илм ким берар  
Енмай ётиб сўнсангиз.  
Дунё ҳам, мол ҳам ўзи,  
Илмга кўнгил берсангиз.

Билгапларнииг сўзига.  
Муҳаббат-ла кирсангиз.  
Ақл қайтмай, қайтмангиз  
Бир ишга кўнгил берсангиз.  
«Оқсоқол айтди, бой айтди»  
«Ким бўлса, майли шу айтди».  
Ақл билан енгсангиз.  
Нодонларга сўз бермай  
Чин сўз билап ўлсангиз.  
Оят ҳадис эмас-ку,  
Кофири бўлдинг демас-ку,  
Қаяча қарши келсангиз.  
Кўп олдида сир айтма,  
Бизнинг сўзга кирсангиз,  
Буни ёзган кишини  
Отин вафосиз дунёдан  
Чечан ҳам ўтган не булбул,  
Устоз ҳам ўтган не дулдул,  
Сўз маъносин билсангиз.  
Ақл — мезон, ўлчов қил.  
Агар қийшиқ кўринса,  
Майлинг ташла, майлинг кул!  
Агар тўғри кўринса,  
Ўйлагину қулоқка ил!  
Аҳмоқ кўп, ақлсиз оз,  
Дема кўпнинг сўзи бул.  
Яқининг сўзи ширин деб,  
Яқиним айтди деб кўрмал  
Нодонлик-ла ким айтсан,  
Ундаи бўши сўзга кирмал.  
Сизга айтдим ҳавфим шул,  
Ўзинг учун ўргансанг,  
Емонликдан жиркаиссанг,  
Очиларсан йилма-йил,

Бирор учун ўрганишавг,  
Бирор билмас, сен билсанг,  
Билганларингдир бир пул.  
Сўзига қараб киши ол,  
Кишига қараб сўз олма.  
Чин сўз қайси билолмай,  
Ҳар ишдан қуруқ қолма!  
Сўзин уқиб хўп ўйла,  
Тез ўрганиб тез жўйма.  
Ёш вақтида кўнгил гул.

*1886.*



Сабрсиз, орспиз эрпичак,  
Кўрса — қиаар ялмоғиз.  
Шўрлик қозоқ шу важдай  
Олти бақан ола оғиз.  
Ўзи-ла ўзи кунлашар,  
Яқпни билан хунлашар,  
Беорлик, бедодликдир.  
Уялмас, ўйга ботмас,  
Қўи десанг, тилин тортмас.  
Бекорчи, ёмон отлидир.  
Бир сакрасам чиқдим деб,  
Қўйнига мол тиқдим деб,  
Тои ағаниб ётади.  
Анойк мол тоидим деб,  
Даволанига овул чондим деб,  
Ҳаммани қақшатади.  
«Не қилганинг?» дейипса,  
Бўлмағур гай сотади.  
«Қутулай» деб ишидан,  
Үнгасин кўриб кипидан,  
Чиқимга ўбдан ботади.  
Бу бўлмаса — униси,  
Осоқ учун қўниши,  
Олисан таъм тотади.  
Ислаб-истоб мол тоимай,  
Ўқпб-тўқиб зол топмай,  
Уйда хуррак отади.  
Эл қидириб, он ичиб,  
Эр иомусин сотади.

Бола-чақа бенасиб.  
Үйда очқаб ётади.  
Йўқ ҳунари, тергаши,  
Бир чўлоқдири эргани,  
Онг ургани бир ялт чиқди.  
Бир сўз учун мушт бўлиб,  
Бир кун учун дўст бўлиб,  
Қуруқ чопгани салт чиқди.  
Айёр ким деб сўрасанг,  
Қалъага чопар дам олмай,  
Устингдан ёлғон арз қилар  
Элу юртдан уялмай.  
Миш-мишдан бўлак сири йўқ,  
Чорнаға қўз қири йўқ.  
Ёлғон-яшиқ, гийбат, лоф  
Оқиб турса шарқираб.  
От-чопондан кам кўрмас,  
«Қув» десалиги, ярқираб.  
Шум пафасин тиёлмай еб,  
Отим чиқиб турсин деб,  
Тўйга борса — нас бўлса,  
Тўс-тўполон тўдада  
Ароқ ичмай масти бўлса,  
Эл тинч бўлса озади,  
Зерикиб ўлаёзади.  
Үйда қолса шалвираб,  
Тузга чиқса алвираб,  
Кишини кўрса тиржайиб,  
Гап отишиб, иржайиб,  
Ўз уйида қијпанглаб,  
Бировнинг уйида куй танлаб,  
Ақли бўлган одамни  
Булғалайди, додлайди.  
Опи-нопи бор туққанин

Очкӯз ит деб ётлайди.  
Молу ҳолингнинг шўри,  
Текинтомоқ кўпаиди,  
Кимдан кимман дер, кўрсанг  
Ҳуриб турган кўипакни.  
Тил билан қутуриб кетар,  
Бир кун ўтириб кетар,  
Яхшилик қилган киписин  
Йўқ қилишга таяйди.  
Содда қилиб юргани,  
Турган-битгани — касофат.  
Ўзи ўнгмасдан тегарми?  
Бирорларга шарофат?  
Кимни уялиб яйди?  
Дурусти йўқ сўзининг,  
Омади йўқ ўзининг,  
Ўнкай алдаб қўяди,  
Чиннинг кўзин ўяди.  
Сўзимнинг ёлғони йўқ.  
Айтилмай қўйгани йўқ,  
Ёмондан бўлииг ҳазир,  
Эл йўриғи шундайдир!

*1887.*

## Куз

Сур булат, раиги совуқ, тұлар осмон,  
Далани қучогига босар туман.  
Түйганданми, билмайман, түнганданми,  
Үюр-уюр йилқилар чопар ҳар ён.

Майсазор йүқ, тараса елларда соч,  
Тилаңчидаі қуп-қуруқ ҳар бир ёғоч,  
Гүдаклар шөвқиң солмас, югуришмас,  
Чүл ёниб кетғап каби қип-яланғоч.

Биревлар — иўстин тикар, териси мүл,  
Биревлар — жулдур қакмон, кезади чүл;  
Бой учун, кийгиз босар гала чүри,  
Биревлар куни учун олади йўл.

Турналар түп-түп учар тушлик ёққа,  
Сарбони бор карвоинни бошламоққа.  
Қай овулга бормагин, ғусса тұлиқ,  
Ел ўшқириб чопади тоғдан тоққа.

Күнгилсиз қора совуқ, қирда юрсанг;  
Бирев қелиб қарамас ёлғиз ўлсанг.  
Гүдаклар оч, инграшар кампир ҳам чол,  
Итлар ҳам оч увлашар қайда күрсанг.

Ез ўтди айрон ичиб яйловларда;  
Олов йүқ, бу чоқ қора ўтовларда.  
Шўринг қурсия, қозогим, шўринг қурсин,  
Молинг мүл, оч кезасан, қишловларда.

1889.

Ез кетди, қиншиниг боши, дала бежой,  
 Қора ел сўқпб турар бир-пкки ой.  
 Қор тушгунча яйловни ғойда кўриб,  
 Қиниловдан ҳамон нари ўтирар бой.

Гадой шўрлик юради пода боқиб,  
 Ўтини йўқ, исинса олов ёқиб.  
 Хотин урчуқ йигирар, юнг савалаб,  
 Чакмон тикар совуқда елка қоқпб.

Жулдур ўтов ичида музлар гўдак,  
 На қуюқ, на суюғи... бўзлар гўдак.  
 Чурук кийгиз остида титрар бобо.  
 Тушида гўпт кўрганини сўзлар гўдак...

Қари қўй сўйдирав бой баҳиллиги,  
 Оч юрибди камбағал ақллиги.  
 Уриншмайин ярим қоп қий берса ҳам,  
 Қўйчи бойинниг каттакоп сахийлиги...

Бўроңда ҳам тўнгмайди бой боласи,  
 Ўтов иссиқ — кийгиали айланаси,  
 Қарол ўғли бош букар хизматида,  
 Писанд эмас кўз ёши, оҳ-ноласи.

Оч болага ўрин йўқ бой уйида,  
 Сорқўтга ҳам илни мас шу кўйида,  
 Йекин узоқ кетолмас, чораси йўқ,  
 Ўтирар уйган юрдан сал қуйида.

Қаролига бермайди бой парча иш,  
Хизматга ҳам хайри йўқ, евуз ҳайвон.  
Мехри йўқ, иисофи йўқ, имони йўқ,  
Нега одам яратдинг, кодир мавлон!

Қароли оч ўлса пе, бой ўзи тўқ,  
Меҳнат билмас, ҳак бермас кўалари лўқ.  
Еш бола, кампир, чолпи тептиратмай,  
Ҳеч бўлмиса бир қип бок, иисофи йўқ!

1889.

## *Қиши*

Оқ кийимли, паҳлавон, оқ соқолли,  
Сўқир, гунг, ҳеч ташимас тирик жонни,  
Үст-боши оқ қирову, туси совуқ,  
Ҳарчиллаб келди қишининг қаҳратони.

Нафасидан эсиб турар аёз ва қор,  
Ҳари туллак қиши келиб ташвии солди.  
Чақмақи бўркин кийган чеккасига,  
Аёздан юз қирмизи чирой олди.

Икки кўзин булатдай қоши ёпгаи,  
Бош силкиса, қорлар ёғиб, мазаңг олар.  
Ола-тасир бўрондай жини қўзгаб,  
Олти қанот оқ ўрдага титроқ солар<sup>1</sup>.

Ўйнамоққа чиқиб қолгая ёш болалар  
Ет-қўли тўнғиб қолиб, ушук урдп.  
Қават-қават чопон клийган молчи ҳатто,  
Изгиринга чидомасдан юзин бурдп.

Кор тепишдан ҳоримас йилқилар ҳам  
Холдан тойиб, дийдираб, турпб қолди.

---

<sup>1</sup> Олти қанот ўрда — олти керагадан қурилган катта ўтов.

Қимт билан бирга човут солди қашқыр,  
Чўпонларим, хор қилмангиз унга молни.

Молни ёйиб, кўяу қулоқ бўл, биродар,  
Уйқу қочмас, ғайрат қилиб, буз қамални!  
Ит еганча Қўвдибою Ҳанай<sup>1</sup> есин,  
Майли, қуруқ жўнат манов қари чолни.

1888.

---

<sup>1</sup> Овул номларид.

Вафот этса яқин дўст, ғамли инсон,  
 Қазо кўрган юраги ярали, қон.  
 Кўз ёшига чўмилар ўланни ҳам,  
 Боқинилари кўп маънос, мунгли нолон.

Ёриниг билди окунда кессанг ёлгиз,  
 Ё куёвни кутсанг, ё узатсанг қис,  
 Тортинув ҳам «бет очар», «ёр-ёр»лар ҳам,  
 Ҳоч қачон қизиганими ишўх ўлансаниз?

Чақалоқ тугилганди тўйи зўр бўлар,  
 Тўйлик овул ўланга, қўйга тўлар.  
 Бурунги яхшилардан қолган мерос...  
 Ўланга дополигин солган улар.

Дунёнииг ёшигини очар ўлаш,  
 Ўлган кирав қабрга ўлан билди.  
 Тирикликинииг шериги ўлаш, билсанг,  
 Бир ўйлаб кўр, боши қоқмай аланг-саланг.

Ўланни айтмоқ тугуя, уқоямайсан.  
 Айтсанг ҳам уддасидан чиқоямайсан.  
 Ёниб-ёниб айтади ўлан айтган,  
 Сен ҳатто бу ган матзии чақоямайсан.

Ўлан сўзлар нақшидир, ўландир соз,  
 Унда сўзлар куйлади жам, жўровоз.  
 Сўзи тотли, маъноси туаук келса,  
 Бундай ўлан, тубҳасиз, бўлар эъзоз,

Ҳорни түқ сўз уқмайди, бил, ҳеч бир пайт,  
Сен ўланни оқ кўнгил кишига айт.  
Унинг ҳам ўланга хуш вақтини тоғ,  
Тополмасанг, яхтиси, бу ўйдан қайт.

Ўлан учун сўрмагил сийлиқ ҳеч бир,  
Ўлан айтдишг, нима йўқотдинг ахир?  
Йироқ бўлгини ўланни сотгувчидаи,  
Ўлан сотиб иши есанг, ионинг тахир.

Подонларига шеър айтиб бўлма мазоқ,  
Ҷадришга етадиган тўнда озроқ.  
Бирн у ён қарайди, бирни — бу ен,  
Тугал сўзини тиғланашга йўқ-ку қозоқ.

Бухор жирон, Чўртонбой, Ҷулат бироқ,—  
Ўланни бирни ямоқ, бирни қуроқ,—  
Ўлан айтар; сўз танир кини бўлса  
Дер эди: «Ўлан йироқ, улар йироқ!»

Муродим — тилни чархлаб ҳунар сочмоқ,  
Нодоннинг кўзи тугул, кўнглин очмоқ.  
Үриак олишин дейман ёш йигитлар,  
Шул гапларни айтганда димоғим чог.

1888.

## *кўламбойга*

— Ваалайкум ассалом!  
Мингбоши, мол-жон омонда.  
Яхшиларга дуч келдинг  
Алгов-далғов замонда.  
Ота-бобонг эл бийламай  
Ўтган эди армонда.  
Бўлисликни ишта сол —  
Харжинг қайтар, демасми.  
Ҳазиллашдим, ё бунга ҳам  
Чамагинанг келмасми?

Тура солиб чопасан  
Чопар келса қичқириб.  
Не қилассан Үяз келса  
Аждаҳодай ўшқириб?  
Ўтирибсан уйингда  
Ўз-ўзингдан кўпириб  
Мансаб бекор бўлгудай  
Бирор ўтса тупуриб...

1888.

○ ○ ○

Қалбингда ўтинг бўлса,  
Ушбу сўзга бер кўнгул!  
Агар ўтинг бўлмаса,  
Майли тирил, майли ўл!

Танимассан, кўрмассан,  
Кўэ ўтингни босса кул.  
Имомсизлик номозда  
Қизил бошдан қолган ул.

Чувлаган эл не топар  
Бошқармаса битта қўл.  
Баракали бўлса эл,  
Ёқаси яйлов у бир кўл.

Япроқлари чайқалиб,  
Ўйнаб тураг эсса ел.  
Ен-берига гуркираб,  
Қуийб турса оққан сел.

Унинг моли ўзгадан  
Ўзгача бўлиб ўсар ул.  
Баракаси кетган эл  
Суви сассиқ, ботқоқ кўл,

Қушлар қанқиб ёқалаб,  
Бола очмас сира ул.  
Унинг сувин ичган мол  
Ичи кетиб ошмас бел.

Кўл деб, уни ким аитар  
Суви қурсин у бир чўл.  
Единица яхшиси  
Эргапиган эл — шундай воль.

Единица иолсизоқ  
Бош-бондоқлик бўлар ул.  
Единица бўлмаса  
Нима бўлар ҳамма поль?

Баракаштириш қочирма,  
Эл тинч бўлса яхши ул.  
Тўғри сўзга талашиб,  
Оқ ем бўлма, жоним бул!

1889.



Мен ўланни ёзаман эрмак учун,  
Үтган-кетган гапларни термак учун.  
Мен ўланни ёзаман тушунганды,  
Авлоңимга бир сабоқ бермак учун.  
Сўзинин тентак уқмас, зийрак уқар,  
Кўнглининг кўзи очиқ, сергак уқар.

Қийшиқ-қишиғир йўлшардан келма менга;  
Тўгри кел, кўп сир озиб таиплай сенга.  
Эҳтийол, биринчи гал уқмассан ҳам.  
Ўлан алифбесидан боiplай сенга.  
Айтиб қуяй, вўқмаса, шу замон айт;  
Янги ўлан сўрамай, овлинигга қайт.

Мен ўланда ағсона куйламадим,  
Олтиндан қуйма қизни ўйламадим.  
Кексаларга ҳеч ўлим тиламадим,  
Ёшларга ёмон бўл, деб сўйламадим.  
Жиркаимайпи, сўз аслин мендан сўра,  
Сўзимнинг таги тераи, пайқаб қара.

Ота билан олишган — одам эмас...  
Саргардон ҳам саёқлар ҳеч кам эмас.  
Ватансиз, юдон, молсиз етиб — ортар,  
Хотинбоз, қуруқ савлат, сир ҳам эмас:  
Қозоқда бангилар ҳам чиқиб қолди,  
Беҳунар ҳангилар ҳам чиқиб қолди.

Ўлан кўп, түзсиз ўлан тегди жонга.  
Елғон гап тўлиб кетди бу жаҳояга.  
Оқинларга ялинаман, ақлга кир,  
Асл сўз, сайлаб сўйла ёш инсонга.  
Ўлан бор — ўланларнишг ўланидир.  
Ўлан бор — бемаънидир, бемаънидир.

1889.

Аввалдан бир совуқ муз — ақл эйрак.  
 Иситган бутун бүйни исенқ юрак.  
 Саботлик, талабгорлик, чидамлилик  
 Бу ғайратингдан чиқади, билсанг керак.  
 Ақл, ғайрат, юракни бордан ушла,  
 Шунда тұлқын бұласан әлдан бұлак,  
 Ікка-яқка ҳеч бири ёритмайди.  
 Йүлда йүқ ярим ишни яхши демак.  
 Ақл ҳам, ғазаб ҳам йүқ, кулки ҳам йүқ,  
 Үйнаб, қайнаб бир юрак қиласар ҳалок.  
 Бирорининг куни йүқ, бирорисиз,  
 Илм — шу учовининг жүнин билмак.  
 Ошиқлик, ишқибозлик — у иккі йўл,  
 Ишқибозлик нафс учун бўлади қўл.  
 Сендан ортиқ жон йўқ деб ошиқ бўлдим,  
 Мен не бўлса бўлайин, сен омон бўл!  
 Кўнглиминг роҳати сен бўлгандан сўнг,  
 Яширина нурингга жон қувонсин.  
 Бирга ёқсан, бирорга ёқмас эди,  
 Суйкумли тирик жонга кетган жонсен.  
 Ошиқлик келса енгар кўнгил олиб,  
 Юлатар безгак каби сўлқиллатиб.  
 Бутун тани тўнгар, совур — умид узса.  
 Умидланар, ўртанар, куйиб ёпар.

1889.

## *йигит сўзи*

Салом бердим, қалам қош,  
Сенга қурбон мол ҳам бош.  
Сориниб, сени ўйлаб,  
Кўздан оқар қайноқ ёш.

Сендан ортиқ жон тұгмас,  
Тұғса туғар — ортижас.  
Бир ўзингдан бопқага,  
Ошиқлигим айтилмас.

Асл одам айнимас,  
Ишқ ўтидан қайрилмас.  
Кўрмасам ҳам, кўрсам ҳам.  
Кўнглим сендан айрилмас.

Кўзим ётга қарамас,  
Ет ҳам менга ярамас.  
Тор тўшакда тўшишни  
Искармидим плангоч!!

Ийигимда сунбул соч,  
Қучоқлашсак биз бирлас.  
Лаззат олсақ бўлмасми?  
Кўз юмилған, қўнгил маст!!

Сизда поз, биэда ихлос,  
Шу сўзимнинг бари рост.  
Сиадай ёрнинг дунёда,  
Лаззатига жон тўймас.

Этинг этга текканда,  
Даминг тийиб суйганда,  
Тан жимиirlаб, бўй эриб,  
Ичим ўтдай куйганда.

Юрак эриб еганда —  
Ички сирни туйганда —  
— Излаб топар шувқорман.  
Гўзалимни қувганман.

Жоним, ҳижроини йўқот,  
Қараб тўймайман юз қат,  
Иссик тийиб борасан,  
Бир соатдан — бир соат.

---

Сиз қирговул жез қанот,  
Гул юзингни бир қарат.  
Яқинлай бер ёнашиб,  
Хуморимни бир тарат.

1889.

## *Қиз сўзи*

Келинтириб мактайдисиз,  
Ўйласанг па топмайдисиз?  
Бизда эрк йўқ ўзинг бил!  
Алла нега бошлайдисиз!..

Биз ҳам одам пайқаймиз,  
Биз мардларни ёқлаймиз.  
Сиздай асл гез келса,  
Қайтиб бопни чайқаймиз.

Ақллисан, сўзинг бой,  
Сиз ялқин чўғ, биз бир мой,  
Иссиқ сўз кирди пчга,  
Мой турагми эримай.

Қабул кўрсанг кўнглим жой.  
Ташлаб кетсанг, ёпирим-ой!  
Ит хўр одам бўларми?  
Бу дунёда шўрлигингдай.

Тилагимни бермасанг,  
Амалим ие, ерласанг,  
Ўргатмагин бўйининга,  
Аниқ яхши кўрмасанг.

Аси ошиқ эрга тенг,  
Қора кўнглим ерга тенг.  
Сенсиз менга ёт тўшак,  
Бўлар худди гўрга тенг.

Сиз бир шупқор шоҳнавоз,  
Ер юэидан олган бож.  
Биадай ғариб ҳисобсиза,  
Кўйингда юрас мұхтож.

Тол чивпқдай ўралиб,  
Гул шоҳицдай буралиб,  
Салмогигдан яичилиб,  
Қолсин хумор бир қониб.

Буни ёздим ўйланиб,  
Ўида бордан тўлғапиб;  
Ёқса дилта ўқий бер,  
Пигитлар қўлга олиб.

Буни ўқиса ким таиниб,  
Юрагида ўт ёниб.  
Суз уқарлик жон тонса,  
Айтса бўлар куй солиб;

1889.



Нақ билакдай сочи унинг ўрим-ўрим,  
Чўлписи, аста юрса, жараиг-журинг.  
Қундуз бўрк, оқ томону қора қошли,  
Кўрганмисан сулув қизнипг бундай турин?

Қора кўзи худди тиниқ ойнадайни,  
Юракка чўё тапилайди бокқап сайни.  
Оқ бадани, очиқ юзи эспи олар,  
Нозанин кўрганмисан бундаш майни?

Чикка бел, расо комат, мўъжаз оёқ,  
Бундай қизлар оламда учрайди кам.  
Пиштап олма янглиғ улар тотли бўлар,  
Кўз олдимдан кетмайди сурати ҳам.

Тегиб кетса қўлипг агар билагига,  
Тўлқин уриб киради қон юрагингга.  
Яногидан ўпич олар бўлсанг агар,  
Зўр қалтирок киражакдир суягиннга.

1889.

● ● ●

Эм тополмай,  
Енган ўтдай,  
Тўлди қайгу гавдага.

Сирлашолмай,  
Сўз очолмай  
Бандага.

Кўп уялдим,  
Кўп пймандим,  
Кимни кўрсам мени ундан.

Юзин босдим,  
Туриб қочдим  
Титраб жон.

Уйқу, томоқ,  
Қолди шундоқ,  
Кераги йўқ иш бўлиб

Тинч ётмоғим,  
Хол олмоғим,  
Хум бўлиб.

Еш юрагим,  
Енди менинг  
Жой тополмай, ёнгим!

Ўзинг бошла  
Яхши йўлга  
Аста-секин.

Еш дарахтнииг яироги  
Силкинади сўқса ел,  
Эгилди бўйним,  
Тўлди қўйним,  
Оқди сел.

Ман ванг эдим,  
Бегам эдим,  
Хар нимадан қайғусиз.

Гоҳ севиндим,  
Гоҳо куйдим,  
Гоҳо муз.

1890.

◎ ◎ ◎

Ўзага кўнглим тўярсан,  
Ўланни қандай қўярсан?!  
Уни айтганда тўлғаниб.  
Ичдаги дардни қуварсан?

Саўра, зорлан қизил тил!  
Қора кўнглим уйғонсин.  
Инглаб кўздан ёш оқсин,  
Ўмровим ҳам бўялсин.

Қора босиб санқиган  
Нодон қандай уқолсин?  
Кўкрагида ўти бор  
Эр йигит қулоқ солсин!

Тингламаса ҳеч одам,  
Ўз юрагим тўлғонсин.  
Ҳар сўзига қарасин!  
Ичдаги дардим қўзғолсин!

Ҳаволасин, қалқисин,  
Елқин сочиб балқисин.  
Инглаб, куйлаб ўлгауда  
Авладимга сўз қолсин!

Мендай ғариб дуч келса,  
Бўйинн згиб ўйлансин.  
Маъқул жўрса сўзимни,  
Кимга ёқса шул олсин!

Не фойда бор, минг нодов  
Сиртда эшишиб таиласин.  
Ундан кўра бир эслек  
Ички сирпи аягласия!

Ўзингиз ҳам ўйләнгиз,  
Неча турли жон борсиз!  
Илм ҳам йўқ, мия ҳам,  
Даладаги жондорспа!

Қалбинг билан тингламай,  
Қулғинг-ла ушларсан.  
Шуни кўрпб, шуларни  
Қайси дил-ла хушларсан!

1890.

•



Ошга, тўйга бораркан,  
Жон ошиқиб ёш йигит,  
Қўлни боғлади душман,  
Тирпкнииг ҳиши — умид.

Қийнади ёв ботир эрни,  
Бир қиёмат солгали.  
Қайлиги қола берди  
Мард кўтариб олгали.

Ошиқсанг ҳам, чироғим,  
Нешападаги бўлар.  
Эшитган йўқ қулоғини,  
Қиёматда ёамлиш иелар.

Қайлиқ эса, суйишга,  
Куёвига интизор.  
Бир ёстиққа боти қўйишга  
Ваъда қизганди дилдор.

Оқдан кўйлак бичтириб,  
Куни билан тикади.  
Иш битмасдан кеч кириб,  
Боёқим эптикади.

Шошгап қизим деб, амрин  
Ўзгартпарами оллоҳ.  
«Айтгаппиг бўлармипки?»  
Қўзим етмайди эвоҳ.

Танасин яра босиб,  
Йилит ўлди ор учун.  
Бу дунёдан бенасиб,  
Кўз юмди у ёр учун.

Тез тарқалар ёмон гап,  
Эл эшитди, билди қпа...  
Оқ кўйлагин битказиб,  
Нағаним деб кийди қиз...

Васли-висолига етмай,  
Увол бўлган жон экан.  
Азал тақдирда битмай,  
Қўшилмоқ армон экан...

Ошиқлиги чин бўлса,  
Қисматидан иолимас.  
У дунёда дуч келса,  
Бир-бирини танимас.

1890.



Ёшлик ўти ёلىнланиб,  
Ёш юракда ёнган чоқ,  
Орау оти түлқинланиб,  
Хар балога солган чоқ,

Дилда гам оз, умид мүл,  
Бел оғримас меҳнатга,  
Бугун-эрта еткүм деб,  
Ният қылгин давлатга.

Ғайрат иниб, ялинмай  
Ишнииг топиб күэини,  
Құлымдан келмас, демай  
Ярқиратасап юзингни.

Үти қайтар тананинг,  
Еш пайт ҳам турмас узок  
Кекса, қари дүнёнинг  
Этагни тут маҳкамроқ.

Думи чаён, юзи одам,  
Ишонмагил дүстингга.  
Усти ял-ял, ичи ҳаром,  
Бало солар бошингга.

Дүстга дүстлик — бу қарз ппі,  
Душманнингга одил бўл.  
Плошик таги — ўкиниш,  
Үйлаб яшаш — тўғрп йўл.

Оқ кўнгилли яхшидан  
Аямай ўртага сол.  
Ёмондан мақтov кутма,  
Сўзин уқма, жўнаб қол.

Бу шум дунё, қув замон  
Гул кўришар юнгитга.  
Ёшлик қилади тугён,  
Қалби тўлиб умидга.

Бир нарса унаб қолса,  
Қайта ўйлаб қарамас.  
Юрт мақтаб, шовқин солса,  
Унга шунинг ўзи бас.

Бундайлар калта ўйлар,  
Билмас олис-яқпини.  
Юрт ҳам билганин сўйлағ,  
Қолдирмайди ҳақини.

Ори кетган алдамчи,  
Мени алда, сўқмайни,  
Бол томган кўк қамишини  
Ўрмасанг-чи кўклайин!

Сени яхши кўрмаса  
Боқармиди сўзингга?  
«Ёнирим-эй» деб терласа,  
Ор эмасми ўзингга?

1891.

## КҮКЛАМ

Күклам келса, қолмайди қининг изн,  
Қулф уар қўкаламзор ернинг юзи;  
Жон киради борлиққа, табиатга,  
Она янглиг жилмаяр кунинг кўзи.

Қузниар, ўлаш айтар ғигит-яланг,  
Ўтвонда ўтиромас қарі-қартанг;  
Жон-жонновор, одамизод лайраб кетар,  
Нил қўши қўштепдан ҳаво жаранг.

Қирдаги, сойдаги эл аралашар,  
Қўй-қўзишар оекқа ўралашар,  
Қиши бўйи бир-бирини кўрмаганлар  
Қучоқлашар, ўйнашар, ҳол сўрашар.

Туя бўзлар, от кишиар, қўра шов-шув,  
Капалаклар гул излаб учар дув-дув.  
Гул ва дарахт әлгашиб қараганда — .  
Сулув қиздай буралиб оқади сув.

Кўл ёқалаб учинар ўрдак ҳам гоз,  
Уя излаб югуран бола шоввоз;  
Учқур отни эгарлаб кўлга тушсанг,  
Чақмоқдай теа ов олар бўз довулбоз<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Довулбоз — ов қуши, лочин.

Кўкламдай кийинишар келпичаклар,  
Ер юэига кўрк берар, бойчечаклар,  
Қирда тўргай сайраса, сойда — булбуз,  
Гул била тўлиб кетар — гул этаклар.

Деҳқонлар қўши қўшади, экар экни,  
Ҳафта ўтмай кўкарар экин тикин.  
Савдоғарлар мол юклиб, туя қўмлаб,  
Олис-олис йўллардан келар секин.

Оламга безак берган қодир мавлон,  
Ер — она, қуёпі — ота, йури жаҳон.  
Онадай эмиздиран кўксидай ер,  
Отадай меҳр тўкар еруг осмон.

Қуёпі — ошиқ ерини кўн севар эмини,  
Ер ишқида ўртаниб, куяр эмини,  
Ошиқ йингит уфқдан кўршигандা,  
Юлдуз ва ой севтини қўяр эмини.

Ошиқ — қуёш тун бўйи кутар эмиш,  
Висол пайтин пойлаб кўз тутар эмиш,  
Саҳардан оғуш очиб севганини,  
Муҳаббат оловида ўртар эмиш...

Қимт бўйи ер — қуёшни излар муштоқ,  
Кута бериб соchlари бўларниш оқ;  
Кўклам ва ёз васлига қониб тоза,  
Гул очилиб, тўлишармил, етмай қучоқ.

Қуёшга тўғри боққан — кўр бўлади,  
Қуёш кулса оламга нур тўлади.  
Не билай, ўзим кўрдим, қуёш ҳар кеч —  
Олтин чодирига кириб дам олади.

1890.



Кўзимниң қофаси,  
Кўпғлимниң сараси!  
 Йўйнайди жонимни —  
Муҳаббат яраси...

Козоқниң доноси,  
Улуғи, оғаси,  
Дер: «Унга тенг келмас —  
Хеч одам боласи...»

Ийглайман, бўэлайман,  
Дардимни сўзлайман,  
Сен учун сўзлариниң  
Аслини излайман.

Дардимни қўэгайман,  
Адабдан ўзмайман.  
Ўзи ҳам билмасми,  
Гапни кўп чўзмайман.

Теранроқ қарайсан,  
Термулиб турмайсан.  
Бехабар юргандай,  
Жуда ҳам синайсан.

Оқади кўз ёпим;  
Йўқ ёлғиз мунгдошим,  
Куяман, ёнаман,  
Айланар шўр бошим.

Беакл бий бўлмас,  
Шўъласиз уй бўлмас,  
Юракда ўти йўқ  
Одамда мий бўлмас<sup>1</sup>.

Кўркингнинг деги йўқ,  
Дог тушар чоги йўқ;  
Арзимни айтайин,  
Хоҳ тушун, хоҳп йўқ.

Оқ маиглай, қалин соч,  
Соч деган бир қулоч,  
Оқ томоқ, қизим юз  
Қарогим, юзинг оч!

Расо бўй, хипча бел,  
Сўлқиллар эсса сл:  
Токай мен оҳ урай,  
Қарогим, бери кел!

Сен кулсанг — ёз бўлур,  
Ҳасратим оз бўлур.  
Қуяиб қўй, очилиб,  
Токай бу ноз бўлур?

Гул ҳидинг аиқийди,  
Кўркинг нур чалқийди;  
Узокдан кўргандা —  
Суягим балқийди.

Мақташга сўзим йўқ,  
Сўзлапига юзим йўқ;

<sup>1</sup> Мий — мия дегани.

Қүспідай гүзәлім,  
Қараңға күзим йүк.

Сенсан — жон лаззати,  
Құрк — тангри давлати;  
Сулувни севмоқлик —  
Пайғамбар суннати.

Қулоқ сол додимга,  
Оҳу фарёдимга;  
Қўнглимин очдим мен —  
Сен шаризодимга.

У ёғни ўзинг бил;  
Майлига, бағрим тил.  
Ўзуп гап қисқаси —  
Кетганман сепга зил.

Йиглатмай бесқарор,  
Жон фидо, бўлсанг ёр;  
Кулишинг, келишинг,  
Қилади кўп хумор.

Тайсалган — йигитмас,  
Жавоб айт бу нағас...  
Худоё, юрагим  
Ёпишин қилгин бас!..

1892.



Юрак, тепма, тепган билап  
Куч кетади, фақат куч.  
Ахир, дук-дук этган билап,  
Ишонганинг бари пуч.

«Етим қўзи — бошинг тош,  
Юмалайсан — турасан».  
Шўрлик қалбим, бебардош,  
Мунча қаттиқ урасан!

Ҳаётга тўйиб боқмай,  
Ташна ёбон сингари,  
Дардлашгани жон топмай,  
Умринг ўтди сарсари...

Керагиниг йўқ, деганингми —  
Талиниасан жони-жаҳд?  
Кези келар, деганинг не,  
Эндиғиси не ҳожат?

1892.



Хўп ишонай, унайин,  
Айтганинга қўнайин.  
Сўғининг «иши ҳаром».  
Демай, майли қўяйин.

Топилар деб кўрайин  
Бир одил, оқ қўигил жон,  
У севса ёки кулса,  
Излга бош урайни.

Езилар ярали дил,  
Дунёда роҳат бордир?!

Сўзламас «яхши одам»,  
Топилар ҳаётдап ҳам.

«Ўтган умр — кўргап туш,  
Гоҳ қайтар,— десанг,— у»  
Ишонганим ўша чоқ,  
Фойда топмадим, бироқ.

Қон қилди юрагимни  
Ўтган умр, ўлгап жон.  
Ақл пазлаб дунёни,  
Кеадим, топмадим нишон.

Кун ўтди, умр ўтди,  
Юрагимда дард, алам.

Номус, ақл, яхшилик —  
Елғон экан бари ҳам.

Бонна туниб пайқадинг,  
Дунёдан қўл чайқадинг,  
Борми яна айтаринг?!  
Ишонсанг шунга ишон!

*1893.*

○ ○ ○

Етиб келди куз фасли ҳам.  
Тўхта десанг, кўнарми?  
Нироқларда қолган кўклам,  
Қайт, деганга унарми?  
Баҳорда ҳам тоҳ дилда қор,  
Чечак қорда унарми?  
Қай дилдаки, ўт, олов бор  
Қор ёққанда сўнарми?

Одам дегап ҳамма жойда  
Олисроқни кўзламас.  
Фойда дейди, доим фойда  
Ўзга сўзни сўз демас.  
Гап ўғирлар у тўш-тўшдан.  
Ниниқ ва қув — ўзгамас.  
Тўй, ҳайитда ёғли гўштдан  
Ботқасини изламас.

Алладим, йўлдан урдим деб,  
Ҳаддан оғиб ётмасми?  
Ўшигиниг пойлаб турдим деб,  
Нулга қувлик сотмасми?  
Мўминларни қўрқоқ санаб,  
Инсон дерми айёри?  
Макр-алдоқсиз, бу ҳандай гап,  
Бу жаҳонда бахт борми?

1894.



Баъзи ўсмир замондошлар хафа қилар,  
Уқуви йўқ, ҳар қадамда хато қилар,  
Ор-номуси, тоқати йўқ, ишончи йўқ,  
Тайнипи йўқ, фақат кайғу сафо қилар.

Ёмои билан ихшини фарқ қиласа кошки  
Ёки дину диёнатни билса кошки;  
Қасам ичиб, лоғ уриб излагани  
Бир от билан оидан нари жиласа кошки!

Бундай филар ўз юртингизг кўрпамаги.  
На ўқийди, на бир ҳунар ўргалади.  
Меҳнат қилмай, бир амаллаб мол толмоқчи,  
На имону на ипон бор, сургалади...

Унда уни алдайди у, бунда буни,  
Жоп берсанг ҳам топилмайди сўэпинг чини,  
Гумдон бўлса элга қиттак зиён келмас,  
Бир семизроқ от бўлади унинг хуни.

1894.



Севги тили — сўёсиз тил.  
Кўз билан кўр, дилдан бил.  
Бир қараш, ё бир имо —  
Етар... Боғланар кўнгил!

Билардим бу тилни мен,  
Овлардим қўп дилни мен:  
Унутдим: бу тил сирин,  
Ва сочи сунбулни мен...

*1894.*

# *абдурәҳмон ҳасталаниб ётганда*

Эй, худо, ўринлат  
Тилаган тилакни.  
Ортиқча қўрқитма  
Чўчиган юракни.

Ялиниб-ёлбориб,  
Оллодан тилаймай:  
Дардига даво бер,  
Яна не қиласай ман?

Юрагим шувиллаб,  
Суягим жимиirlаб,  
Оллодан тилаймап,  
Ўзимча шивирлаб.

Зорланса бандаси,  
Бермасми оллоси.  
Соғлиқ бер эркамга,  
Шу ота дуоси.

Не ёзан, мени беҳол,  
Қўл чўлтоқ, тилим лол.  
Сени соғ кўришилик  
Чўнг орзу, чўнг хаёл.

Бир совиб, бир исиб,  
Бормоқда иш пишиб.  
Юзингни бир кўрай,  
Суйганча бир қучиб.

Гоҳ умид, тагин ҳанф  
Кунгилга йўл тошиб —  
Кирган сўнг қийиндир,  
Эс отиб, эс оғиб.

Икки ой шу аҳвол  
Ётибдир бемажол.  
Эй, худо, докторлар  
Дилига тўғрилик сол.

Олмаса докторга,  
Кўрсатма сўқирга<sup>1</sup>.  
Визитга тўламай,  
Ўйланиб ўтирма.

Докторлар эм этсин,  
Чиройни шантсин.  
Оқчани аяма,  
Үйқуниги тинчтисин.

Абсамад жиянилг.  
У ҳам бир жигаринг.  
Дўстлигин дўстлик-ла  
Ўтамоқ тилагим.

Кўнгилмининг хўшилиги —  
Кўнгилга дўстлиги.  
Борардим, бўлмади  
Кўлимвииг бўшлиги.

Саргайди юзимиз,  
Тўрт бўлди кўзимниа.

---

<sup>1</sup> Сўқир — фолбив матъносида.

Софайиб кет тезроқ,  
Согиндик ўзимиз.

Хатимни олингиз,  
Кўнглимни билингиз.  
Куч-қувват бор бўлса,  
Кечикмай келингиз.

Бу — ўсан элингиз,  
Туғишган ерингиз.  
Зор қилмай мени қўп,  
Кечикмай келингиз.

Ваҳмда дил нуқул,  
Худодан умид шул.  
Бир яйраб келсангиз,  
Умрингиз бўлгай гул.

1894.

● ● ●

Талай сўз бундан бурун кўп айтганман,  
Тегин ўйлаб, кўп қайғу еб айтганман.  
Ақлилар орланниб уялган-чуп,  
Ўйланиниб, тузаларми деб айтганман.

Қозоқнинг бошқа юртдан сўзи узун.  
Бирининг бири тездан уқмас сўзин.  
Кўзнинг ёши, юракнинг қони билан  
Эрятишга бўлмайди ички муэин.

Дўстим-ай, ҳаволанмай сўзга тушун,  
Ўйланчи сиртии қўйиб, сўзиниг ичин,  
Иржапгламай тингласанг пимаг кетар,  
Чиқарган сўз эмас-ку жинни учун.

Адашиб алаинглама йўл тополмай,  
Берироқ тўғри йўлга чиқ қамалмай.  
Е илм йўқ ёинки меҳнат ҳам йўқ,  
Энг бўлмаса кетдинг-ку мол боқолмай.

1895.



Оч киши юнаарми тўймагунча,  
Тўқ киши то ёрилиб ўлмагунча?  
«Бир тўйсанг — чала бойлик» дегаи қозоқ.  
Эт топса — қўймас ҳолдан тоймагунча...

Меҳнатсиа, ҳаракатсиа, шўрлик қозоқ!  
Овқат излаб тентирар, ўта қашшоқ.  
Гўшту қимиз сингари ош бўлмас, дер —  
Йўқчилик гирдобида гаранг шундоқ!

Бўлсайди қимиз текин, ҳам гўшт арзои,  
Ундаи ҳам ширин овқат қилиар ғрмон...  
Кунда тўйиб емоққа ўз пули йўқ,  
Тилаччилик, қулчиллик ҳандай ғмон!

Ҳоли йўқ ўз уйида ўт ёқишига.  
Тентирар қарамайин қора қишига;  
Бир суюгу, бир оёқ қимиз берган —  
Дарров юмпай қолади бир юмушга.

Не илож, ётга ёллан, мол тошиб кел...  
Молниг бўлса, сийламай туролмас эл...  
Ёшлик ўтган беҳуда ва бемеҳнат,  
Ёшлигинг ўтган иасиз мисоли са!

Ҳувари бор — ҳеч кимга қарам бўлмас!  
Эринчак ҳеч қачоп одам бўлмас!  
Этак думини ювсанг ҳам, ҳалол меҳнат,  
Ҳалол меҳнат — ҳеч қайда гупоҳ эмас!

Ўгри бўлиб, яхши тўи киёлмассан,  
Бир ўргансанг нафсингни тиёлмассан;  
Давлат кетар, ор билан иомус кетар,  
Аммо, чигнинг жоннингни қиелмассан.

Баъзига кувлик билан давлат битар,  
Баъзилар то ўлгупча тилаб ўтар.  
Меңнат қилмай топганинг — давлат эмас,  
Қоғ сувидай бир зумда оқиб кетар.

Қасам урган кувлардан яри юргин!  
Ти шеб оқмас сувлардан яри юргин!  
Бу юртда тилаичи кўш, эринчак мўл,  
Меңнат севмас... Улардан яари юргин!

---

1895



Ёшлик ўтди, билдингми?  
Йигитликка келдигми?  
Йигитлик ўтди, кўрдингми?  
Кексаликка кўндингми?

Ким билади, шум така,  
Не гуноҳлар қилгансан.  
Не қилмишлар билгансан,  
Қай кўчага киргансан,  
Не йўллардан юргаисан.

Ким билади, шум така,  
Тугал бадбаҳт бўларсан,  
Кўрада ўлган туюдай,  
Сен ҳам ҳаром ўларсан.

*1895.*

● ● ●

Кўланка һунг узалиби,  
Олисни кўздан яшираса,  
Вақт офтобни қизартиб,  
Уфқлардан ошираса,

Кўнглим маъюс сирлашар  
Боққанча ўша ёқса,  
Не билан шивирлашар  
Қараб йироқ-йирокқа?

---

Ўтган умр — қув сўқмоқ,  
Қидиради талайни.  
Ким алдади, ким тўқмоқ  
Солди — шуни санайди.

Нени топсанг, шуни топ,  
Ярамас бир<sup>•</sup> керакка. 4  
Нуқул оғу йиғишиб,  
Сенар шўрли юракка.

Адашган кучук мисол  
Улиб, юртга қайтган ўй,  
Ўкиниш бўлди толе,  
Аввора бўлма уни қўй!

1895.

Табиат ўлар, балки инсон ўлмас,  
Гарчи у қайтиб келмас, ўйнаб кулмас.  
Менинг-ла табиатим айрилганини  
«Ўлди» дечти бир нодон, ўзин билмас.

Кўп одам бу дунедан ситам кўрган,  
Ситам кўргап, рўйноликни кам кўрган.  
Ўлим — нима, ўйланг-чи, ўлмас сўзлар  
Қолдирганинг ўлгаини ким ҳам кўргап?

Тирикчилик ташвиши ўйлагани кас,  
Боқий дунё матъносин ағлаб етмас.  
Менинг қайда эканим билолмайди  
Тераи ўйпинг тизгинин кимки тутмас.

Дунёга — дўст, охиратга дўст бўлмас,  
Иккови ҳам бир дилдан ўрини олмас.  
Дунёга ўч, маҳшарга бегонанинг  
Имонин бут дейишга оғизим бормас.

1895.

Молға дўстнинг дўсти йўқ молдан бошқа,  
Оларида чор йўқ алдамасга.  
Қаерда пулни кўрса топинади,  
Одамлар латнант ўқир ундан пастга.

Мол ёяди шуҳратин билдиromoққа,  
Кўз-кўз қилар мол билан куйдиromoққа.  
Ўзи чўчқа, ўзгани ит деб ўйлар.  
Сув шўрва, суюк билан суйдирмакка.

Ақлли, хушифеълаи на орли деб,  
Мақтамайди ҳеч кимниц бу кунда кўк.  
Шу кунда мол қаерда гўиг ичида,  
Олтии берсанг, беради гўнгидаи еб.

Шуни ўқиб ўйлай бер бўлсанг зийрак.  
Кучингни сот, ор сотиб нега керак?  
Уч нарса одамзоднинг хосияти,  
Зўр гайрат, ёрқин ақл, илиқ юрак.

1896.



Туққан ота-она йўқ,  
Туққизарлик бола йўқ.  
Қизигига таңггу-тўш,  
Тепишиб ўсган ола йўқ.

Тўлишай деса чора йўқ,  
Жонига бир ора йўқ.  
Үйқуда, ошида ҳаловат,  
Соч-соқолда қора йўқ.

Қадрига етар ёра йўқ,  
Пандида озора йўқ.  
Ет кўрани пойлаган  
Чолда ақл зора йўқ.

1896.



Гоҳ бетоқат кутасан  
Дилдан гағлик аришиң,  
Бошинг уэра тутасан  
Тиниқ илҳом парисин.  
Қонинг ўйнаб туради,  
Чашма суви тошгандай,  
Талпинади юрагинг  
Нур қўйнига шошгандай.  
Еруғ дунё чарогидан  
~~Кўнгил жўани очдаи.~~  
Кўчли ўйлар булогидан  
Сўз ирмоги тошади.  
Шунда шоир бел боғлаб,  
Кўя ташлаб келажакка,  
Дунё поклигин чоғлаб,  
Далда берар юракка.  
У сезади оламинг  
Аламини, дардиви,  
Эшитади одамвинг  
Фарёдини, арзини.  
У жар солиб тўлғанар,  
У ишонар ақлга.  
Адолат руҳи уйғонар,  
Янграп узоқ-яқинга!  
Ўтли юрак, аччиқ тил,  
Сиёҳи худди оғу.  
Нима қилсанг шуви қил,  
Шонринг бўлгани шу.

1896.

Бир гўёал қиз бўлибди хон қўлида,  
Хон ҳам жонин қияркан қиз йўлида;  
Олтин — кумуш кийтани шоҳи-шак.  
Кутувчи қиз — келинлар бор сўнига.

Деган сўз бор «уй-уйга, тақа тувга»,  
Хон гарқ бўлиб юринти овоз дунга.  
Қўйнимин, чол сийпаган, қурт есин деб,  
Жар тошдан қиз қулабди теран сувга.

Шон — салтанат юнатмас ёғ юракни,  
Ким ҳам бўлсени, ўз тенгин тиламасми?  
Вақти ўтгани давронни қувалаган,  
На қилсии бир қариган қув суюкни?!

Қари — ёш давроши ўзга, тотув эмас,  
Энга кўнар, ёш юрак сотув эмас.  
Кимда-ким катта бўлса икки мучал.  
Мол бериб олган билап хотини эмас.

Кўп бойлар ёш хотинни тутар экан.  
Еш қайғусин билдирмай ютар экан.  
Орасида буларниг муҳаббат йўқ,  
Тупаб қўйиб қочирар буқамишан?

Бой қариса молига берар чијавир,  
Мол умрии янгирилмас, худо ургир.  
Биронининг қизани молга сотиб олиб,  
Илгаргини излаган қандай қургпр.

«Хотиним қандай?» демас оқсоқол бой,  
Ёш билап дўст бўлибди ёнирим-ой!  
Қув хотиннинг майишса шод бўласап,  
Шайтонга шогирд қилиб қўйишгандай.

Қарп бой! Қаттиқ соқ бўл, тилга кўнсанг,  
Муйиз чиқар хотиннинг тилига кирсанг.  
Ҳеч ўқмассан ўзингга — ўзинг маз бўб,  
Дастурхон ҳам хотинни, маҳтан кўрсанг.

Гуноҳсиз хотин билан бўлар ароз,  
Ёшинг кўнгли эримас, у ўзи ноз,  
Биттаси қнаил гулу, бири қуврай,  
Бир срга қўшилурми қиши билан ёа!

---

Доим бўлмас қуйруқни буланглатган,  
Сочидан силаб-сийлаб суюб ётган.  
Икки кўнгли ораси йилчилик ер,  
Уни қандай қўшади у опт урган.

1896.



Кўк ола булут букилиб,  
Шар-шар ёғар қай чоқда.  
Бўю бастинг эгилиб,  
Ёши думалар овлоқда.  
Ёған кунда кўкариб,  
Ер кўпчиб кучга қонар.  
Оққан ёшга ёзириб,  
Бопі лўқиллар, ич ёнар.

1896,

# *хотини билан масақбой*

## **Хотини:**

Тўшак қипп остига  
Бойнинг тўқимин,  
Ўчоқнинг бошига  
Ўтиннинг қўқимин  
Букчайиб,  
Биқситиб,  
Қўқситиб келтирди.  
Шуларнипг барн — мен,  
Қўпглининг нури йўқ.  
Юзпиннг порн — мен,  
Бахти йўқ, умри йўқ.  
Букчайиб,  
Шумшайиб,  
Ғўдайиб ўлтирди.

## **Эрл:**

Кулги бўи юрганда  
Неларга қодирсиз.  
Ош қилиб берганча  
Чидамас сабрсиз.  
Келиб қолди,  
Даҳшат солди.  
Аёвсиз дўқлади.  
Сўзининг жони йўқ,  
Ақлсиз қун-қуруқ —

Хотининг куни йўқ,  
Қамчидир йўл-йўриқ.  
Варқиллаб,  
Шарқиллаб,  
Ҳалшиллаб тўхтади.



Кўк тумандир олдиндаги замон ўзи,  
Умид билан чироқ тутган сабру тўзим.  
Кўп йиллар кўп кунни ҳайдаб келаётир,  
Сурати йўқ, сийрати йўқ, толган кўзим.

У кунлар ҳам ўтган кундай хору хасдири,  
Келар, кетар, ортида из қолдирмасдири,  
Шувинг бири — меникидир, товушим ўчар,  
Кейингисин олдо билған бўлса басдири.

Ақл ва жон — мен ўзимдир, тан — меники,  
«Мени» билан «меникпининг» фарқи — иккى.  
«Мен» ўлмакка тақдир дегак нарсаси йўқ,  
«Меники» гар ўлса ўлсин, унга бекин!

Чироғларим, иитилардинг «меники»га,  
Энди жиссими тополмайсан куну тунда.  
Иисоф, номус, севги пла йўлдошингни  
Эслаб кўйгил бир қабрдан ўтганингда.

Сот фойдага, молга ҳамма қилинингни,  
Нийлаб ишишт ўи билан ҳўл-қуруғингни.  
Шунда умр деган алдаб қўймас сени,  
Йўқса секин ўғирлайди қизиғингни.

Ғофил одам бор душёни дер меники,  
Меники деб юргапларни топ унники.  
Молу ҳол ҳам, тан ҳам қолиб, жон чиққанда,  
Сепга ахир нима қолар, не сепики?

Ээлгантагонинг ачиб, ичининг куйсии,  
Харакат қил, кўичиликка фойданг уйси.  
Аввалбошдан тангри кўпнинг ғамиқ еган,  
Мен сўйганини сўйипти деб эгане сўйсин.

Кўпни кўрсанг кўп демагил, ўрини бўлақ,  
Кўп ит енгиб, кўк ит бўлар ёлғиз ҳалак.  
Кўп озиғи — әдолатдир, марҳаматдир,  
Қайда кўрсанг, тириш кўпга эши бўлгундак.

Ўз корига яратар эл керагини,  
Билолмадим айёрини, зийрагини.  
Оғзингдаги ошни олган қайдан билар  
Ҳақиқату дни деганиниг туб-тагини.

1896.



Кимдир сени кўпик сочиб жўп мақтайди,  
Ишонмагин, юрагида қек сақлаиди.  
Меҳнатингга ва ақлингга ишон, шулар  
Иккни ёндан суюб сени, қулатмайди.

Иэза бўлма, лаққа тушиб хушомадга,  
Кибр-ҳаво билан қолма маломатга.  
Эл ичпда бошгинангни эгиб қолсанг;  
Ярашарми бу басавлат хуш қомадга.

Қайғу келса, кўксигин тут, бош эгмагил,  
Кўзга кулгу нури қўйса — ёш демагил,  
Юрагингниг тубига боқ, тўрига боқ,  
Унда асл жавоҳир бор, тош демагил.

1897.



Тану жонга тарқалар —  
Яхши оҳанг, ширин куй.  
Дилга хил-хил ўйлар солар,  
Оҳанг сўйсанг, мендай сўй!

Олам эсдан чиқади,  
Унутаман ўзимни.  
Кўнглим маъни уқади,  
Деёлмайман сўзимни.

Чўлда ташна сув топса,  
Ичар узала тушиб.  
Билмайди, то қонгуича,  
Ўтсалар ҳам туртишиб.

Яхши оҳанг — куйдирад,  
Ўтгацларни тиргизар.  
Умр тўвниң кийдирад,  
Ӣўқни бордек юргизар.

Эски шивир қадим ҳол —  
Эшитилгандай бўлади.  
Ҳарён учади хаёл,  
Менинг кўнглим тўлади.

Ўтмиш оғусин ичиб,  
Бўламан тагни гаралг.

Ёлғоплар чиң кўрппар...  
Оҳаңг кучига қаранг!  
Тағин чалғита бошлар —  
Ҳар муттаҳам ва ҳар қув.  
Оламда меп ичмагаи —  
Айтиңг қоидцими оғу?

1597.



Мен нома ёзаман,  
Қарогим, қайтарма.  
Қайгуңдан түзаман,  
Боргувчи айтарми?

Күп бүйи кутаман,  
Келар деб хабаринг.  
Оҳ урмай нетаман,  
Бизга йўқ назаринг.

Кўнгилга юпаниш  
Сен эдинг, бозорим.  
Сенсиз йўқ қувониш,  
Сенсиз кўп озорим...

*1897.*



Елсиз тунда ёруғ ой  
Нури сувда дириллар.  
Овул олди теран сой,  
Дарё каби гуриллар.

Қалин даражат барглари  
Шивирлашар, ғоз қотар.  
Майсазордир таглари,  
Күм-күк товланиб етар.

---

Яңграб эди тоғу тош,  
Күйлаб келган чоғида.  
Йүлимга чиқар әдинг,  
Күришардик овлогда.

Қалби гүп-гүп уарди.  
Совуқ тер босарди гоҳ.  
Хориб шунда туарди,  
Чүчиб тушарди ногоҳ.

Сўз айтолмас, тилл лол,  
Нотинч эди юраги.  
Суяниб турар беҳол,  
Томоққа ботиб ияги.

1898.



Қуввати ўтдай бурқираб,  
Маржон-маржон тизилган  
Еңгирли ёздаш сирқираб,  
Кўк булатдаш узилгаи.

Эспи ҳайрон қиласар сўз —  
Нодошларга қадресиа.

Таваккал деб ботир ўй  
Тилни қиличдаш қайраб,  
Ишлатиб минг ҳийла, йўл,  
Чопиниди яйраб-ляйраб.

Ўйғоимас юрт, димгина,  
Уялмай қол жимгиша!

Ўйлаб-ўйлаб тоған сўа  
Ичда қолдирмас кирни,  
Кўнгил тилаб чопган сўз  
Кўзекатар бор томирни.

Дил орзиқиб ёд олар,  
Тагида-чи қўр қолар.

1898.



Шум дунё тўнаб ётиришинг борми,  
Бояги куч, бояги тусинг борми.  
Олди умид, орти ўқинч, алдамчи умр,  
Қарс уриб ерга тиқмас кипинг борми?!

Таъми жетиб бузилмас тотинг борми?  
Беш кунлик-бу омонатга бирор зорми?  
Яқинши ёт, тотувни хун қилас экан,  
Қув умрпинг қизиғига эл хуморми?

Ўйламай очилган оғизнинг айтма сўзин,  
Тил балоси ёмондир, булгар ўзин.  
Тилда сунак, лабда эса жияк борми?  
Чимилдиқдай қўрсатмайди чиннинг юзин.

1898.

⊕ ⊖ ⊙

... Номим одам бўлган сўнг,  
Ҳандай нодон бўлайин?  
Ҳалқим нодон бўлган сўнг,  
Қаён бориб ўнгайин?

*1898.*



Мен кўрдим, узун қайин қулаганин,  
Қора ерга бош қўйиб сулаганин.  
Япрөги саргайлб ва ўлимсираб,  
Бойқушининг ким тинглайди йиғлаганин.

Мен кўрдим, ўйнаб юрган қизил кийик  
Гавдасига милтиқнинг ўқи тийиб,  
Толиқиб, қопсираган қовоқ туйиб,  
Кимга ботар у бойқуш тортган куйик.

Мен кўрдим синиқ қанот капалакни,  
У ҳам билар умрни изламакни;  
Кун чиққанда исинар қалт-қулт этиб,  
Ундан ибрат олар жон бир бўлакни.

Мен кўрдим ошиқ ёрдан ваъдасиэлик,  
Умрнинг қизиғидан умид уэдик.  
Иссиқ юрак совуди, яра тушди,  
Чиқмаган чибин жонли кун ўтказдик.

Дунёнинг билдик охири оқибатни,  
Еб юргаи кўп, бирининг бири этин,  
Үйли одамга қизиқ йўқ бу дунёда,  
Кўпининг сирти бутун, ичи тутун.

1898.



Кун ортидан кун туғар,  
Бир кун бекор ўтказмас.  
Ўй ортидан ўй қувар,  
Елга минсанг етказмас.

*1898.*

•

**100**

● ● ●

Хаста юрак тепади аста-секин,  
Чарчаб қолган гавдамда жўш уролмай,  
Гоҳо уни иссиқ қон босиб кетар,  
Қийпалар узун туңда дам ололмай,

Хаёл кўкип қоронгу, қағиғу енгган,  
Эркалик ва дўстликни оғриқ кўрар.  
Ақли йўқ, ори йўқ ҳовлиққанни  
Кунда кўриб, улардан юз ўғирар.

Эслаб ўтган кунларин расо қўмсар,  
Бу куни кун демас қарғаб сўкар.  
Гоҳо тилаб баҳт билан япа тинчлик,  
Гоҳо қайғу газабни япа истар.

Гоҳо йигламоқ истар айтиб зорин,  
Шундай кунда тугилгап дардининг барин.  
Гоҳо уни яширас элу-юртдан,  
Мазақлаб кеткизар, деб кими ори.

Хаста юрак тепади аста-секин  
Ўз дардини ятириб ҳеч билдирамай.  
Гоҳо босар иссиқ қон уни сокин  
Гоҳо бир дам жум қолар уп чиқармай.

1898.



Юрагим менинг қириқ ямоқ,  
Хиёнаткор оламдан.  
Қандай қилиб бўлсин соғ,  
Кўнгил қолгаи ҳаммадан.

Гоҳо ўлди, гоҳ бўлди ёв  
Кимни севса бу юрак!  
Бари душман, ё йўлга ғов,  
Суянишга йўқ тиргак.

Етиб келди қариллик ҳам,  
Уни тўсар куч қайда?!  
Дўст бўлмас қалби бегам,  
Ундан бизга йўқ фойда.

Эй, юраги дардли одам,  
Қалбимдан сен хабар ол:  
Ўнда не бор,  
                  қандай дард, ғам  
Тилга кирап,  
                  қулоқ сол.

1899.



Нурли осмонга иитилиб ўсгансан сен,  
Гурурланиб қайғулардан безгансан сен.  
Худди шупдай баҳор чоги майсалариниг  
Қуёш сари рағбатини сезгансан сен.

Шундаи бери жўн раҳмсна йиллар ўтди,  
Ўроқ они, йирим-терим они ётди.  
Иссигини, совуғини — барин кўриб  
Мунглиг кўнгил қайишмасдан ғайрат ётди.

Огир ўйлар азобида қийналиб жон,  
Қайгу, ҳасрат чеҳраингга из солмиш аён.  
Дони тўлиқ бошоқлардай, у ўйлар ҳам  
Сенинг бошинг этмак истар ерга томон.

Тирик жон-ку ўлмакликка рози бўлмас,  
Гўёки у бир умрга яшар, ўлмас.  
Ажал келиб човут солса, жонни олса,  
Умр қайдада, сен қайдада,— бир ўйласанг, бас.

Одам зоти бугун одам, эрта — тупроқ,  
Бу кун умр яшваб турар, алдоң бироқ.  
Эрта ўзинг қаордасан, билармисан,  
Ўлмак учун туғилгансан, ўйла, чироқ.

1899.

Юрагим, нима сезасан,  
Сендан бопиқа жон йўқми?  
Дунёни кўнглим кезасан,  
Таянч йўқми қўй, тўхта!

Сезганингни сездириб,  
Етолмадинг ўртоқقا.  
Тирик жондан беадириб,  
Оборасан қай ёқка.

Ўртоқлик, тинчлик, дўстлик-ку,  
Унинг қадрии ким билар?  
Ҳар кимга тилак қўшдик-ку —  
Бари алдамчи савдоғар.

Дўстни қайдан топарсан,  
Кенгашишга одам йўқ.  
Нари-бери чопарсан,  
Елгизлиқдан ёмон йўқ.

Ақл айтсанг бирояга,  
Ичинг эриб, ижиниб.  
Уялмас ҳақ тилашга,  
Расволпги билиниб.

Ҳақим бериб тинглатган  
Сўз кўнгилга кўнарми?

Ҷулогии сотгани лир урган.  
Үлгидирми, ўнгарми?

Куясап юрак, кулсан,  
Куйганингдан не фойда.  
Дунёда непи суясан,  
Умр қайда, дўст қайда?

*1900.*



Құснан вақт итариб,  
Күк уғыдал опирса,  
Күланка бошин күтариб,  
Ұзокни күздан яшірса,  
Шунда күнглім йүқлайди  
Жондан севган ошиғип.  
Күзи етиб түхтайди,  
Үтгап күннинг қочиғи.  
Күкка боқдим «Олло» деб,  
Сиаб күрай, деб кучип.  
Раҳмати ушинг унда күп,  
Фойдаси йүқ биз учуп.  
Нега сөсін үл мени,  
Дилга уни олмадим.  
Күрдим ортиқ меш сени  
Раҳматидан оллонинг.

1900.



«Уяламан» дегани кўнгил учун,  
Ушоққина умрдай мунгли учун.  
Тотувгина дўстлик ҳам, қасдлик ҳам йўқ,  
Жілгари йўқ тортгали енгил учун.

Чалқанча тушиб ётар ичи пишиб,  
Қайси жонга ёқаркин бундай иши.  
Инниитириб уятни, танин асраб,  
Эртаси йўқ, бугундир бор ташвиши.

Туғишгани, дўстлари икки-учдир,  
Шу сабабли дўстидан душман кучли.  
Сўйса — ёлғон, суймаса — аямаган,  
Бу по деган замонга ишим тушди?!

Кап-катта-ю қилиғи болатовур,  
Болачадай эрмаги ғала-ғонур.  
Ота тийса болани, бу ҳам — дўстлик,  
Бола тийса, отага нечун оғир?

1901.



Барги сўлиб қолган эски умидман,  
Умр суриб хаёл-ла, бўш юрибман.  
Хаёлларим кўпглимини тинчитмайди,  
Ўтган кунлар ўйи билан қурнибман.

У даврон — умр эмас, бир кўрган туш,  
Ўйга ботма, хаёлда баланддан туш!  
Ўз умрингга қара-чи, тугалмикан,  
Іхани ўтли юрак, чирой, қувват-куч?

Саҳрода сароб каби юрт-аймогим,  
Чинга чидаб, ўнголмас иттифоги,  
Кўппинг оғзин кузатсанг, кун кўрмайсан,  
Ўзинг кузат ўзишгии, кел, чирогим.

1901.



Юрак — денгиз, асл тошдир қалб олови,  
Шу оловсиз юрак бўлмас баҳт гарови.  
Юракда ўт, дард, ҳарорат бўлмас экан,  
У юракнинг на дўсти бор ва на ёви!

Юрак иши дўстлик ҳам, душманлик ҳам,  
Ор-помусга соқчи бўлар ақл ҳар дам,  
Ор, уятни менсимасни бизнинг элда  
Мартаба деб билар катта-кичик одам.

Ўт озаяр ҳар одамда қариган чоқ,  
Ўт камайса юрган йўлинг бўлар тайғоқ.  
Ҳар учраган ёрдам қўлини узатса ҳам,  
Йўлниг тайғоқ, оёқларинг титрар, маймоқ.

1902.



Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
Сояламай сой топмай,  
Не кун тушди бошиягга  
Куни, тунни жой топмай?  
Шундай юрганинг билан  
Қиз ўларми бой<sup>1</sup> топмай?  
Тунда кезган маъқулми,  
Чор атрофга жовдирай?  
Уламан деб юрдингми,  
Бундан болка жон тоимай!

Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
Сабр таги сариқ олтин.  
Сабр қылсанг ҳолингни,  
Билармикан бегзодим?  
Кўнгил овлаб сўз айтар.  
Орадаги тилхатим.  
Оқин сувдай тўлқиниаб,  
Ўтаётир ҳаётим.  
Касал эмас, сог эмас,  
Қуриди ҳол, қувватим!..  
Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
Ҳеч ўйланма, етади!  
Бу ўйлардан Фойда йўқ,  
Умр маълум, ўтади.  
Ажал ҳам тез етади.

---

<sup>1</sup> Бой — эр маъносида.

Хўш, қиз олсий...  
Азоб кўрмай роҳат йўқ,  
Ахир у ҳам кетади.  
Унинг билан ҳаётда  
Бор гўзаллик битарми?  
Ҳақни сотсанг ҳаромга,  
Тангри қабул этарми?  
«Қиз севади мени» деб  
Тайтанглашинг кетарми?  
Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
Ўйлаб-ўйлаб толарсан.  
Ҳаммасини билсанг ҳам,  
Ҳали инкор қиласан!  
Ўртанасан, ёнасан,  
Бекордан бекор азобта  
Ўз бошингни соласан.  
Қай вақтда тўйғаздинг  
Айиқ каби оғасин,  
Хотин билан тоғасин?  
Ҳеч зот юрмас ерларда  
Қарамай нега чонасан?  
Сенингча шу яхшини,  
Уцлаб киши сабосин?  
Кийимингни йиртасан,  
Ўлга кулги бўласан.  
Жим-жим кўнглим, жим кўнглим,  
Согишиб ҳеч саргайма!  
Тинч юрсанг ҳам қиз қувмай,  
Сени бирор қарғарми?  
Қиз изласанг кўнгил бер,  
Бу гап маъқул бўлмасми?  
Кўриб олсанг кўркамин,  
Севиб олсанг севганин,  
Шунда кўнглинг тўлмасми?

◎ ◎ ◎

Ярқ этмас, қаро кўнглим не қилса ҳам,  
Осмонда ой билан кун чақилса ҳам.  
Дунёда сира сендай менга ёр йўқ,  
Сенга ёр мендан ортиқ топилса ҳам.

Шўрли ошиқ сарғайса ҳам, соғинса ҳам,  
Ёр айтиб, яхши сўздан янгишса ҳам,  
Чидайди ёр ишига рози бўлиб,  
Масхара ва хўрликда топинса ҳам.



Тулпордан чувир ўзмас чопилса ҳам,  
Уыга ҳам укки тумор тақилса ҳам  
Қокитмай мени сиртдан юра олмайди,  
Қаерда ким елиниб, қоқинса ҳам.

Кучук, ит бари оларми ёпилса ҳам,  
Етарли бўлиб суяқ топилса ҳам.  
Орсиз одам дўқ уриб ҳарсиллайди,  
Ҳар ердаёқ устунга тақилса ҳам.



Тойга миандик,  
Тўйга чопдик,  
Яхти кийим кийиниб.  
Укки тақдик,  
Кулиб боқдик,  
Йўқ нарсага суюниб.

Қирғий учди,  
Қушни қучди,  
Не битди?

Отамиз бор,  
Домламиз бор,  
Айтганига кўпмадик.  
Сўнг тоғида  
«Биз унга жўр  
Бўламиз» деб билмадик.

Яшрин қочдик,  
Йўллар ошдик,  
Чувлашдик.

Ёаув ёздик,  
Хат танидик,  
Бўлдик оаод домладан:  
Чала ўқишдан  
Не наф кўрдик,  
Қолгандан сўнг хўп нодон.  
Баҳосиа ёшлиқ,  
Бўз болалик,  
Адапдик.

Бўз болалик  
Киз карадик,  
Ҳазиллашдик, сўйлашдик.  
Пойга чопдик,  
Шон таратдик,  
Бақиришипб қуйлашдик.  
Кўнгилга келар,  
Ким йўлар,  
Ким кўнар!

Жойин топдик,  
Хотин олдик,  
Маҳри тегди озгини  
Турмуш қурдик,  
Энди ўйландик,  
Қолди ёшлик созгинам.  
Ёшлик қайда?  
Вой-войла  
Не фойда?



Ўз айбимга кўз солиб  
Ўйга ботдим, тулғондим.  
Ўз айбимини қўлга олиб,  
Текширишга ўйландим.

Ўзимга ўзим ёқмадим,  
Энди қайга сиголдим?  
Урганган бу кўнгилни  
Қандай қилиб тиёлдим?

Гуноҳимни санасам,  
Тоғ тошидан оз эмас.  
Юрагимга кўз солсам,  
Игна қадар тозамас.

Арчиб, олиб ташлашга  
Жўяқдаги ўт эмас.  
Ҳаммаси ҳам ўзимдан,  
Тангри берган «ёт» эмас.

Шунча аҳмоқ бўлганман,  
Кўринганига қизиқдим.  
Адолатлик юракнииг  
Одиллигин бузибман.

Ақл билан билимдан  
Жуда умид узибман.  
Ҳийла билан қувликни  
Марвариддай тизибман.

Ялмоғиздан мен очқўа,  
Ор, номусдан безибман.  
Қувлик билан шумликка  
Тентак бўлиб учибман.

«Сиз биласиз» деганга,  
Қувда куйиб-нишибман.  
Ҳар кимсага мақтаниб,  
Атибман: мен «пиншиқман».

## *Маъсуд*

*(Поэма)*

Ё олло ҳурматиңга дўстинг Маҳмуд,  
 Тилға куч бер, билинсин тўғри мақсуд.  
 Хорун — Рашид ҳалифа замонида  
 Боғдодда йигит борди оти Маъсуд.

Шаҳардан бир кун Маъсуд чиқди тишга,  
 Бордими тўғри келиб бирор ишга.  
 Бир ўғри упилаб, тўнаб ётган ерда  
 Гез бўлди бир бечора чол бойқипга.

Чол бойқинш бақиради фарёд солиб,  
 Айриб олар одам йўқ уни бориб.  
 «Ким ҳам бўлса бир эрлик қиласайп» деб  
 Маъсуд учди ўғрига ғазабланиб.

Маъсудни ўгри чопди қилич билан,  
 Яхшиёқ жон сақлади бир иш билан,  
 Эсон-омон у чол ҳам қутилибди,  
 Маъсуддан ёв қочганда уриш билан.

Маъсудга келди у чол кўзини тиклаб.  
 Кўрса бошдал қон оқади, мард энтикиб,  
 Чол ўйлапти қарзимни мөн ўтайин,  
 Йигит экан баҳодир, довкорак деб,

Эй, йигит, не қиласанг ҳам эр экансан.  
 Кўргайсан эрлигингниң баракасин.  
 Ажалдан, сабаб бўлиб, сен қутқардинг  
 Шу учун олло сенга умр берсии.

Бой әмасман, ботир ё хон әмасман,  
Отоқли, ортиқ бўлган жон әмасман.  
Сабаб бўлиб ажалдан қутқардинг сен,  
Яхшиликни мен билмас, чол әмасман.

Мен бир жонман дунёда, жаҳон кезган,  
АЗон билан кетаман шаҳринги здан.  
Эртароқ фалон өрга келиб туриб,  
Олиб қол бир мукофот ўғлим биздан.

Пул учун қизиқмассан сен ҳам бир эр,  
Сени менга учратди парвардигор.  
Бир худонинг ҳаққи учун мен тилайман,  
Қабул қил шартим учун қўлингни бер.

Ўғрига юбормадим мен номусни,  
Ким пуллар бундай-бундай қилган ишни  
Олло ҳақи деган ҳеч амал ҳам йўқ,  
«Борайин» деб ваъда этиб қўл олишди.

У өрга йигит туриб эрта борди,  
Олдидан чол тез пайдо бўлақолди.  
Қўлидан ушлаб олиб эргаштириб,  
Бир четда турган уйга олиб борди.

У уйда бир гул турар сўлқиллаган,  
Бошида уч мева бор билқиллаган,  
Бири оқ, бири қизил, бири сариқ.  
Танлаб шундан бурини олгин, деган.

Оқин олсанг ақлинг жондан ошар,  
Сарифин олсанг давлатинг сувдай тошар.  
Агар қизил мевани олиб есанг,  
Хотин-қиада жон бўлмас сендан қочар.

У пигит чол сўаига қулоқ солди,  
Кўзини пастга тикиб оз ўйланди.  
Оқи билан саригин олмайман деб,  
«Қизил мева ейман» — деб қўлга олди.

Мен бераман, тонмайман айта туриб,  
Пушаймон бўлмай кейин юриб-юриб,  
Оқ билан саригин олмаганинг,  
Маъносини менга айт яқин кўриб.

Мен бўлсам агар оқин емоқ дедим,  
Ақлли бўлдим элдан бўлак дедим.  
Мен ақлни эмас, у балки мени,  
Йўлга солса, ўргатса керак дедим.

Ақллик жон тонилмас менга спропош,  
Айниқса сўага нодон бўйин бермас.  
Адолатсиз, ақлсиз, орсиаларни,  
Кўра туриб кўнгилда тиичлик турмас.

Одам дардли бўлмасми ғусса тортиб,  
Ширин уйқу келмайди тунда ётиб,  
Юрагимнинг дардига эм тополмай,  
Ширия ози ичомайман дамин тотиб.

Саригин еб, мен бўлеам бойининг ўзи,  
Оғзида халойиқининг бўлдим сўзи.  
Палончидаи бир нарса олсакчи деб,  
Тикилар жон битканнинг меңга кўзи.

Юрт қарғар юртдан ортиқ бойлик учун.  
Пуллайди бирор тусин, бирор ичин.  
Не қилса ҳам юдонлар олмоқ истар,  
Моли курғир куйдириб юртнинг ичин.

Меҳнатсиз мол сўрамоқ хайрчилик,  
Ақлли эрга ордир ундаи қилиқ.  
Уни ўйлар бу кунда одам борми?  
Фойда ўйламай қилади ким тотувлик.

Берсанг қолар шимаси унда орнинг,  
Бермасанг ўзинг ҳам ит бирга бўлдинг.  
На ўзинг ит, бўлмаса бор элинг ит,  
Даъвосиз бир балога миниб қолдинг.

Ҳизилни есам мени аёл суяр,  
Одамликка юрмаса не жон куяр.  
Аёллар ҳам кўн жон-ку, дўстим бўлса,  
Деб эдим бир фойдаси монга тияр.

Эркакининг гар эркакда бўлса қасди,  
Хотин — она, қизи йўқ кимнинг боши,  
Қон қаҳр қора кини қасдлик қиласа,  
Шунда аёл бўлмасми ҳимоячи.

Аелда одам боши сор бўларми?  
Үйда текширилмас дов бўларми?  
Эри аччиқ айтса, хотин юмпоқ айтиб,  
Ўтирса бурунгидай ёв бўларми?

Шуни ўйлаб қизил мена мен танладим,  
Берсангиз емоқ бўлиб бел бойладим.  
Тўсатдан мен бу сўзни айтганим йўқ,  
Бошидаёқ ўйлаб тегни авайладим.

Бу сўзга солиб турди чол қулогин,  
Бўлмаса топиб айтдинг, ё чироғим,  
Ақл, давлат, аввалдан сенда экан,  
Умрингдай узун бўлсин баҳтинг, жоним.

Бу чол бўлак чол эмас Хизир эди,  
Эпин топиб йигитга тўғри келди.  
Сўэига ва ақлига, қилиғига,  
Рози бўлиб ҳақига дуо қилди.

Хизирдан Маъсуд дуо хўп олипти.  
Сўнгидан шаъми — жаҳон аталипти,  
Маъноси бу дунёнинг куни деган  
Етишиб близга ибрат сўз қолипти.

1887.

# *искандар*

(Поэма)

Искандарни ҳамма ҳам билармикин?  
 Македония шаҳридир унга макон.  
 Филипп пошшо фарзанди, дов юракли,  
 Мақтанчогу қизғапчиқ одам әкан.  
 Еши ҳам йигирма бир, расо бўлди,  
 Филиппи ўлди, ўрнига пошшо бўлди.  
 Уз давлати, ўз юрти кам кўриниб,  
 Қўшини эллар бопига бало бўлди.

Искандар қўшини йигиб, иўлга тушди.  
 Қанча мулк, қанча давлат қўлга тушди:  
 Дарё-дарё оқди қои, ёнди боғлар.  
 Искандарниг босқипи мўлга тушди.  
 Тиз чўкди талай хонлар қаршисида,  
 Тиз чўкди не султонлар қаршисида.  
 Асир тушиб, қул бўлди саноқсиз эл,  
 Тиз чўкди не инсонлар қаршисида...

Шаҳашшоҳ, деб шуҳрати гап-сўз бўлдя...  
 Давлати ошган сайин — очкўз бўлди.  
 Қўйни тўлди, кўзи ҳеч тўйгани йўқ,  
 Ер юзин олмадим, деб дилсўз бўлди.  
 У, иша қўшини йигиб йўлга тушди,  
 Ина давлат, иқлимлар қўлга тушди,  
 Ҳеч қайда тополмади қўним, ором,  
 Дарё кечди, йўли бир чўлга тушди...

Олис чўлга дуч келди у ногиҳон,  
 Қакраган ҳам яланғоч қум ҳар томон,

Қанча тежаб ичса ҳам ўтмадп сув,  
Чўл тантида қоярилар моя ва инсон,  
Бир қатра сув дардида қўшини сарсон,  
Бедармон, чала жинни ва чала жон.  
Қанчалар қолиб кетди бу саҳрова,  
Лашкарига солмоқчи ўзи қирон...

Жаҳонгирнинг оти ҳам қулаб ўлди,  
От елини қучиб, кўнгли гамга тўлди.  
Ўриидап туриб қолса, олисларда —  
Бир шуъла барқ урмоқда... Ҳайрон бўлди.  
Шаҳанишоҳ шуъла томон тўғри юрди,  
Саҳронинг қок белида шима кўрди?  
Тасмадайни, мўлдир булоқ жилдири,  
Искандар ширин сувга ўзиг урди.

Тоза қопиб дер эди: «Не ҳикмат бу?  
Чўл аро қандай ширини салқин сув...  
Сув бошида бадавлат эл бор ўхшар,  
Ҳамманиг ичиб, дармон йиғ ва юзинг юв!  
Дармон йигиб, сув бўйлаб кетишум бор.  
Сув бошида қалъага — этишим бор.  
Бош этмаса — қиличпм бошидадир.  
Шаҳрин ҳам тош талқон этишим бор».

Жар солиб, сув еқалаб юриб кетди,  
Нўлда қўнимай, кўн кун от суриб кетди  
Қўшинини совут кийган, ўшкай ботир,  
Нўл-нўлакай базмини қуриб кетди.  
Қарасаки, ажойиб қалъа турар,  
Искандар от бошини дарҳол бурав.  
Тутқасин тортар олтини дарвозанинг,  
Очолмай, қаҳри қистаб, ҳар ён юрар.  
Ҳеч қачон бундай хўрлик кўрмаганди,

Ҳеч дарвоза олдида турмаганди:  
Фолиб бўлиб ўргангап асов кўнгил —  
Хўрланарман деб, хаёл сурмаганди.

Қадри қистаб, қоқишга тушди ишоҳ:  
— Дарвозапни оч! — деди Искандар шоҳ.  
— Икозат йўқ, бу — тангри эшигидир! —  
Қоровулшининг жавоби солди садо...  
— Билмайсанми, Искандар деган менман,  
Ер юзини урупда енгган менман.  
Дарвозантгни оч, кимсан, билдири менга!  
Энг сўнгти қалъя учун келган менман!

— Мактанинга ҳожат йўқ, зўравонсан,  
Ҳам зўравон, ҳам очкўз, тўймас жонсан.  
Миқти бўлсанг — нафсингга кучинг етсип,  
Бу дарвоза очилмас, бил, аен сан!

Кўп кеэдим, тўғри келди ранг-бараңг ер,  
Қалъаларга чанг солдим мисоли шер:  
Қалъянгни-ку очмайсан, ҳеч бўлмаса,  
Халқимга кўрсатайин, бир сийлов бер!

Шу замон келиб тушди тугун рўмол:  
Овоз келди: «Жаҳонгир! Сийловни ол! —  
Сен сўраган сийловнинг худди ўзи,  
Ўйлаб кўр, ақл бергуси, кўзингни сол!»  
Кўнгли тўлиб, тугунни қўлга олди:  
Тўхтамай қўшин томон чопиб қолди.  
Очсанки, рўмол тўла бир қоқ суюк...  
«Бу кандай масхара?» деб ақли толди.

Аччиғланиб, тутоқиб кетди бирдан,  
Ҳеч маъни ололмади ушбу сирдан.  
Наъра чекди: «Менга шу равомиди,—

Суяк деган топилар ҳамма ердан!»  
Ҳам тугунни иргитди бетоқат қўл...  
Арасту яқин келди — ақли зап мўл:  
— «Шоҳо,— деди,— бу тортиқ бежиз эмас,  
Хосиятлик суяк бу — хабардор бўл!»

Арасту сўзлар экаш тингламас ким?  
Искандар ҳам иоилож ўтирди жим.  
— «Кўрайлик, суякми ё олтин оғир,  
Тарозуни келтир!» — деди ҳаким.  
Тарозуни шу замон келтирдилар:  
Бир снига кумуш, зар тўлдирдилар:  
Бир ёнда суяк оғир босиб турди:  
Ҳаммаси ҳайрон қолиб ўлтирдилар.

Иигилди қўшинда бор олтин буткул,  
Босарди суяк ётган палла нуқул.  
«Хазинам етмади-ку! Суяк оғир...  
Чорасини топ!» деди энг кейин ул.  
Ҳаким олди ердап бир сиқим тупроқ  
Ва суякнинг устига сочди шу чоқ.  
Бир дамда олтин оғир босиб тушди:  
Искандар яна ҳайрон, хаёл тарқоқ.

Шаҳаншоҳнинг бағрини тирнар оғу,  
Чидалмайин ҳакимпи чақирди у:  
«Ҳайратдаман, ақл етмас, қотди бошим,  
Маъносини айтиб бер, эй Арасту!»  
— Кўса суяги — бу суяк! — деб бошлар сўз,—  
Тириклида ҳеч қачон тўймайди кўз,  
Бир сиқим тупроқка ҳам тўяр — ўлса,  
Ғазабланма, шаҳаншоҳ, бўлма дилсўз!

Ўйлаб-ўйлаб подшоҳ бошини буқди,  
Кўзлари косасига ботиб — чўкди.  
Йўл солди ўз юртига қўшин ила,  
Ўлгунича ўанини-ўзи сўкди.  
Сўз тамом, адоқ бўлди ҳангома ҳам,  
Беҳуда гап ўйлами, бўлма беғам.  
Ору номус сотма умр бозорида—  
Очкўз бўлма, одаммас очкўз одам!

Мақтанишнинг хайри йўқ, яхши билгин,  
Донолардан ўрганиб, амал қилгин.  
Ўз баҳонгни ўзингдан ким сўрайди.  
Яхши бўлсанг — ёргулик сочиб келгин!

1901.

## АЗИМ ҚИССАСИ

(«Минг бир кечас» зертакларидан)

«Минг бир кечас»даи ўқиб мазмунини,  
Ўлан қилиб қуйламоқчи бўлдим уни;  
Бағдодда Мустафою Сафо деган —  
Ўтган экан икки йигит ога-нини.

Отасин олиб кетиб ўлим бевақт,  
Иккаласи меҳнат қилиб, излапти баҳт.  
Кенжা йигит тиқувчи хўп чевар экан,  
Мустафоси рассом экан, етуқ хушхат.

Булар икки элга қилмоқ бўлган сафар,  
Бироқ улар кўрмаганди ўзга шаҳар.  
Ким мол топса, унисин излаб топар,  
Ваъдалашиб, йўлга тушған бир тоңг саҳар.

Улар ботир экан, на хавф-хатар билган,  
Айрилмоқни чиндан тақдир насиб қилгани.  
Сафо Чинмочинига<sup>1</sup> етиб келгунича,  
Мустафоси Болсурага<sup>2</sup> етиб келгани.

Ака аввал сўққабошу фақир ўтган,  
Тангри қўллаб, касби-кори ривож топган.  
Кўп ўтмасдан бола-чақа, уй-жой қилиб,  
Бул шаҳарда обрў топган, донг таратган

Дунё топиб, усти бутун, кўзи тўйган,  
Не-не гўзал сурат чизиб, касбин суйган.

<sup>1</sup> Чинмочин — Ҳиндистонда бир қалъа.

<sup>2</sup> Болсур — бу ҳам қалъа.

Худойим қўчқордайин ўғил бериб,  
Домла ҳам унга Азим деб от қўйган.

Азим ўси ҳар йил сайин одим ташлаб,  
Мадрасада таълим олди, эди ташна,  
Кўп йил ўтмай, бу ёш йигит доно бўлиб,  
Кенг манглай, очиқ юз бўлди, дили яшнаб.

Азим ота ҳунарига қўйди ихлос,  
Отадан ҳам ўтиб кетди, фарзандга хос,  
Мустафо кўз юмса ҳамки куни етиб,  
Юнин етим колмади ёш ниҳол хуллас.

Қаранг, ота ҳунарини қўлга олди,  
Отадан ҳам ўтиб кетди, эл тонг қолди.  
Харидорлар кундан-кунга кўпайгандан,  
Аввалгидан зиёд бойлик — мол тополди.

Азим бир кун дўконида ишлар эди,  
Олтин камар, зарбоғ тўн-ла бир чол келди.  
Не қилмасин бир обрўли кишидир деб,  
Лэим туриб, таъзим билан салом берди.

Алик олиб қария ҳам саломлашди,  
Аста юриб Азимга у яқинлашди.  
— Шаҳрингизда мусофириман, эй чироғим.  
Ишлар қалай, не қилурсан? — деб сўрапиди.

— Ешлигимдан етим эдим, кўнгли синиқ  
Ҳунарим ҳам мақтанарли эмас улуғ.  
Эртаю кеч меҳнат қилиб, тиним билмай  
Қиласи шим сураткашлиқ, бўёқчилик.

— Назар солсам бىлмисизга ўхшамайсан,  
Уддалайсан истасанг ҳар ҳунарни сан?  
Еш жонингга эртаю кеч кўзни қадаб,  
Ишласанг ҳам кунинг унимсиз ўтар экан.

Чол сўзига аччиелапди Азим туриб:  
— Мунча дағал сўзлайсиз,— дер аччиқ қилиб,  
Гарчи сиздай қорни тўқ бой бўлмасам ҳам  
Не қиласиз ота касбим ерга уриб.

— Хўрламайман, болагинам, зўрламайман,  
Эртаю кеч ишлайсанки, мен айман;  
Кимёгарлик қилар эдим, ўргатардим,  
Мисдан олтин ясар эдим, алдамайман.

Кўзинг етса ўрганаардинг сен гул ҳунар?  
Ўйлайсанми ҳар кимсага, деб, ўргатар.  
Ерда қолмас, қулай ҳамда соз ҳунарки,  
Оз иш билан анча олтин фойда етар.

Ётгани йўқ молу дунём опиб-тошиб,  
Бу сўзларни айтдим, болам, меҳрим тушиб,  
Эртагача мис тайёрлаб турсанг агар,  
Бу жумбоқни еча олар эдинг шуйтиб.

Энг аввало чинлигига етсин кўзинг,  
Ўргатмоқни шарт кўйдим-ку сенга ўзим.  
Эртасига худди шунда топишмоққа,  
Ваъдалашиб бир-бирига берди сўзин.

Чол кетди-ю бола ҳайроп уйга қайтди,  
Воқеани онасига келиб айтди.  
Кимё илми борлигини эшитса-да,  
Она қалби дов бермади ушбу пайтда.

Мис пақирни олдига қўй, айтган маҳал,  
Олтин бўлса, бойлик ошар, яхши бу ҳол.  
Елғизгинам, не қиласиғ ҳам эҳтиёт бўл,  
Шум жодугар чиқмасин у нотанип чол.

Бола деди: «Ҳақ олдида банда ожиз,  
Бўлса ёлғон хору зор бўлур шаксиз.  
Лгар бунииг таг-тубига етолмасак,  
Аlam билан пушаймонда қолмайлик биз».

Не қиласа ҳам бола шу кун ухлолмади,  
Чол сўзининг мазмунига етолмади.  
Мис пақирни олиб, шу кун барвақт туриб,  
Дўконига эрта борди, кеч қолмади.

Чол ҳам худди шу чоқ бўлди ҳозир-нозир,  
Халтачадан босқон олди, олди кўмир.  
Иккаласи саломлашиб бўлгандан сўнг:  
«Мисинг қайдা, болам» дея қўрди тадбир.

Кўмирга ўт қўйиб, курди декча — қозон,  
Мис пақирни букиб, солди унга шу он,  
Тобга келиб мис эриган кезида чол  
Қоп-қора бир дори олди халтачадаи.

Теа олдию у дорини мисга солди,  
Қозон қайнаб шу ондаёқ мис чайқалди.  
Не биландир уни бир оз қориштиргач,  
Олтин қилиб, совутиб, сўнг қўлга олди.

Қўлидаги олтинини унга берди:  
— «Заргарларга бориб кўрсат, болам энди.  
«Олтин эмас» деб бир кимса айтольмайди,  
Алдайдиган одатим йўқ, айнимайди.

Олтинларни олиб бориб элга кўрсат,  
Тангри қўллаб, ишни ўнгдан келтиrsa баҳт,  
Ихлос билан мени йўқлаб қолсанг агар,  
Тополасан мени анов боғдан фақат».

Азим чоиди олтинларни ола солиб,  
Не-не бойлар уни кўрди қўлга олиб.  
— «Асл олтин, тоза олтин экан-ку деб,  
Ким кўрмасин, айтишади ҳайрон қолиб.

Уч минг уч юз тилла пулга қайтди сотиб,  
Онасига олиб келди қулоч отиб.  
Онаси ҳам:— Ўша чолни чақир,— деди,—  
— Кетсин ахир уйимииздан нон-туз тотиб.

Ваъдалашган боққа кириб борди Азим,  
Чол учради, ўтиради, солса разм.  
— Эй отажон, қилган ишинг ҳақ — рост экан,  
Нон-туз тотиб кетишингни этдик жазм.

Сўнг бир ҳопуч тилла берди Азимга чол:  
— «Сенинг ҳам ўз молинг,— деди,— мендаги  
мол.

Кўнгил ёзиб, чақчақлашпб ўтирайлик  
Турли-туман қимматбаҳо шароб ҳам ол.

Яйраб-яшнаб отамлашсак икков фақат,  
Баҳри-дилинг очилади бўтам, албат.  
Онангни ҳам бирор жойга юборақол,  
Сенга бу кеч сирларимни айтмоғим тарт.

Кун ботгунча кўнглинг бўлма, қўляй айтиб,  
Қопи қорайгач мен келаман яна қайтиб.  
Ейиш-ячиш орасида айтар сўз кўп,  
Тағин бирор эшитмасин уйда ётиб».

Азим қеади бозорларда, ўта хушвақт,  
Турли-туман шароб олиб келтирди тахт.  
Олтинларни кўргандан сўнг онаси ҳам  
Таскин топиб, қўшнисига кетди барвақт.

Ғамлаб мева, позу-неъмат, шароб — майин  
Азим қувнар олтин жиринг этган сайян.  
Уйларига ҳеч кимсани киритмасдан,  
Чол келгунча ясантириб турди жойин.

Қош қорайган чоқда чол ҳам етиб келди,  
Азим чаққон эшик очди, юриб-елди.  
Азимни у гўё яқин фарзанд билиб,  
Жилмайганча сруғ юэла уйга кирди.

Бу чол кўздан кечирмаган жой қолмади,  
Бир Азимдан ўзга жонни тополмади.  
Ортигича чолга баҳо берган Азим:  
— Нега мунча қарайсиз? — деб гап олмади.

Вақтин чоғлаб сўзлайди чол тўхтов билмай,  
Таъзим қилиб Азим туар, тинглаб, жилмай.  
Ош ейилиб, қўл ювиллиб бўлгандан сўпг  
«Майни келтир» деб имлади, парво қилмай.

Қадимдап бир одат бор, ҳануза япар,  
Русми, немис, дунёдаги борки башар.  
Овқатдан сўнг мевадан қилган шароб —  
Соғлиққа фойдали деб спиқаришар.

Шаробли шишаларга патнис тўлди  
Бир-иккита жонон қадаҳ тайёр бўлди.  
Пасти-баланд сўз отишаб, қаҳ-қаҳ уриб,  
Чўқишидилар пиёланинг ўнги-сўли.

Мийигида кулган бу чол кўп қув чолди,  
Содда Азим тез аяча кайф суреб қолди.  
Чўқишириб май косалар алмашингач,  
Жіодугар чол май қадаҳга дори солди.

Фирибгар чол кўпдан шундай қилас экан,  
Кўпнинг ҳаёт томирига болта урган.  
Дори солгани майни бехос ичгандан сўнг.  
Ярим тунга бориб Азим ҳушдан кетган.

Шунда шум чол деразадан ҳуштак чалди,  
Тўрт йигит тобут олиб кира қолди.  
Азимни шу тобутга солишди-да,  
Кўтаришиб ташқари юра қолди.

Азимни маст қилганидан кўнгли тўлди,  
Эшик ёпар экан кўрди ўнгу сўлни.  
Сўнгра маҳкам бекитди-да, онт урган чол:  
— Юринглар,— деб икки кўзи йўлда бўлди.

Кўм-кўк депгиз соҳилида қалин камиш,  
Қамишзорда кема туар чолга таниш.  
Азимжонни шу кемага солишди-да,  
Сузиб жетди, бошлиниб тез эшкак эшиш.

Ҳанотида ўттиз чоғлик йўлдоши бор,  
Тонг отгуяча бул шаҳардан кетди олис.  
Эл уйғонди, эрта билан кампир келди,  
Болажонин йўқолганин кўнгли билди.  
Фарёд чекди, йиғлади не қилсин шўрли,  
Ёш Азимнинг ҳолин баён этай эвди.

Азим ҳушга келди расо эрта тушда,  
Азиз бошин кўрди хавфу-хатар ишда.

Кўл-оёги кипанланган ётар танҳо,  
Гўё темир кафас турар эди устда.

Кўзғалди-ю, ўридан ул аранг турди,  
Турганидан ўши туллак чолни кўрди:

— Оқсоқол, одам шундай иш қиласми,  
Онамдан ҳам айирдингми? — деб оҳ урди.

— Кўзингни оч, эсигни йиғ бас, ўйнама,  
Мени сен ўз диндошингга деб ўйлама.  
Сталипараст динидаман, динимга кир,  
Мендан қўрқма, хавф-хатардан ҳеч сўйлама.

Нодон бўлма айтиб қўйдим мён бир жарра,  
Гар кўнмасанг кунда ейсан бир юз дарра.  
Минг бор жонинг бўлганда ҳам қутулмайсан,  
Билиб қўйки, шафқатим йўқ, сенга зарра.

Бола айтди: «Диним учун бўлай қурбон,  
Чўқинмайман ўтингга мен, куйдирма жон.  
Ҳақ йўлида минг розиман шаҳид ўлсам,  
Кўрқади деб умид қилма, сен беимон».

Ечинтириб болани, тез яланғочлаб,  
Роса урди юз дарранг қулочкаплаб.  
Тишни-тишнига қўйди бола, ғинг демади,  
Бир озгина ҳушисизланди, ўзни ташлаб.

Ёмонликни хуши кўрмади ҳақнинг ўзи,  
Сел қуийлиб, тим қорайди кўкнинг юзи.  
Бола боғли ётганича қола берди,  
Чол кемада кетди қурғур, қора юзли!

Туни билан ухлашмади, сира мизғиб,  
Сув тариллаб, тўлқин уриб, шамол изғиб.  
Сув тўкишиб, тонг отгунча шолпиллашиб,  
Ўттиз қули ҳолдан кетди, сувда юзиб.

Қуллар бирга тўпланишибди бош қўшишиб,  
— «Бу ҳолатда ўламиз» — деб қолди шопиб.  
Ҳаммани шу кунга солған тум такани  
Ёқасидан тутишдилар қаҳри ошиб.

— Ота, ўйлаб иш қилимайсиз айвал бошдан.  
Жонни айб кочмас эдик қора тошдан,  
Олло бизнинг ишимизни хуп кўрмади,  
Халос этиб, розилик ол банди ёшдан.

Қўлин ечиб, розилик ол, кишанин уз,  
Қани, тез бўл! Нима дейсан, вақт тиғиз?  
Бу талабга ён бермасанг, ахир ўлдик.  
Сени сувга тапламоққа шай турибмиш!

Чол бу сўзга ёқа ушлаб ҳайрон қолди,  
Не қиласин била олмай ўйга толди.  
Ўттиз қулнинг авзойини пайқагандан,  
Кишанларни қўл-оёқдан ечиб олди.

Чирогим деб, бўйнита қўл ташлар шу чок,  
Елғондакам кўзда ёши мунчоқ-мунчоқ.  
— «Болагинам, мастилик билан килипман», —  
деб,  
Сўздан тониб, яна қўйди ҳийла — тузоқ.

Оқ кўнгилли йигит эди биәнинг Азим,  
Ўйлар: «Нега шундай бўлса ийманди жим.  
Мастилик билан қилса килган чиқару, — деб,  
Еш эмасми, — керак, — деди, — ишонишим.

— Кечдим сепп, қылган бўлсанг мастилик қи-  
либ!

Кекса тулки: «чироғим» деб, турар кулиб.

Шамол тиниб, қуёш чиқди аввалгидаӣ,

Қараңгки, кетди ҳарен қулғ уриб.

Сув кечмагап йўргадайин топиб-нотиб,

АЗимжонни сийларди чол таом ташиб:

Ўттиз қул ҳам «жўн одамга ўхтамас» деб,

Чин юракдан хизмат қилар пип талашиб.

Бир манзилда чол гап отди: «болам, тўхта,

Мисни олтии қиласар дори анов ёқда.

Ўнчалик кўз узоқ эмас, иқни ерда,

Боплаб олиб қайтсақмикан, ие дейсан, ҳа?»

«Не ҳам дердим» доди бола беналтиёр,

Чол қувонди ич-ичидан тагин бисёр.

Бош устида югурдақдек қилди хизмат,

Маккорлиги авжга миниб бу ҳийлакор.

Теа орада бир соҳилга келди етиб,

Чол жўнади, Азимжонни ҳамроҳ этиб,

Бир ногора ётар экан, чалган эди,

Елмоялар<sup>1</sup> чиқди ерни дупирлатиб.

Уч мояни чол ушилади миништари учун,

Бирисига озиқ-овқат ортди бутуни.

Иккаласин иккаласи миниб олиб,

Ногорани йўлда қўйиб кетди шу куни.

Елмоялар келишади елдек учиб,

Чол бир ёққа қараб келар иелар бичиб.

<sup>1</sup> Елмоя — учқур түя.

«Булут каби балаандликин кўряпсанми?  
Ана шунда, болам,— дейди, чол сўз очиб.

Аслида у Кўҳиқоффир, булут эмас,  
Катта тогнинг бериги ўнг ёғи, халос.  
Биз қидирган дори ўша тоғ бошида,  
Бургутдайин тездан олиб қайтолсак бас».

Туни билан йўл юришиб тонг отипти,  
Худди уйдай бир нимадир ярқ этилти.  
— Бу нимаси?— деб сўраган эжан бола,  
Тура сола қочганича чол кетипти.

— Бу нима?— деб такрорлапти Азим шўрлик,—  
Қочасанки, нечун ахир бу ионкўрлик?  
— Эй чирогим, бу жой асли хатарли жой,  
Ёвуз деб бор, қилар иши фақат зўрлик!

Қамчи босди чол шу сўэин бўлгач сўйлаб,  
Кетди у олдиндаги дарё бўйлаб.  
Соҳил бўйлаб, йўл юрса ҳам, мўл юришиб,  
Тушда тогда тўхтадилар, макон айлаб.

Чол олдинда, бир қояда, тўхтаб шу он,  
Озиқ ортган елмояни этди қурбон.  
Ичин ёриб, ичак-чавақ, ўпка бағрин —  
Қорнигача қолдирмасдан олди чаққон.

Азимжонга чол арқону хайжар берди,  
— Терига сен кириб, бир оз ётгин!— деди —  
Устингдан мен тикиб бўлгач бекинаман,  
Тог бошида турган Семурғ бизни кўрди.

Семурғ келар кетганимдан кейин бир оз,  
Човут солиб сўнгра этар баланд парвоз.  
Тепаликка қўнгач бирдан ёриб чиққин,  
Сендан чўчиб теридан у кечади воз.

Тоғ бошида бордир қора, майин тупроқ,  
Фурсатни бой бермай тўлдир қопни тезроқ,  
Қоп тўлганда боғлаб уни тушир пастга,  
— Сени ечиб олгунимча шошма бироқ.

Шундан кейин арқонингни тошга бойла,  
Тушадиган бирор қулай ерий сайла.  
Арқонингдан ушлагинда туш сирғаниб,  
Иложи йўқ, қилинмаса бундай ҳийла.

Ҳавор олди, ҳанжар олди шунда Азим,  
Бу сўзларни уқди барин солиб разм.  
«Эркатойим, айтганимдан янгишма» деб  
Чол ҳам ҳаддан зпёд қилар эди таъзим.

Азим бўйин товламади, ўтарди вақт,  
Юрагида орзулари эди қат-қат:  
«Таваккал» деб терига у кириб ётди,  
Пешонага ёзилгани бўлар фақат.

Чол терини чандиб, тушди югурмоққа,  
Қочиб кетди шох-шабба мўл турган ёққа:  
Кўкда Семурғ гир айланиб, шўнғиб шу он,  
Човут солиб кўтарилди яна кўкка.

Шунда Семурғ қон тошга қўнди бориб,  
Азим ботир чиқа келди ичин ёриб,

Тирик одам боласини кўрган бу қуш,  
Чўчягандан кетди ўзин четга олиб.

Азим чиқди тоғ бошига, алапт-жалаинг,  
Кўрса тураг әди туроқ, қоп-қора ранг.  
Қоп тўлиши билан курмак қилиб бөглаб,  
Отасига туширадп бола араинг.

Ҳалиги қоп чол қўлига боргач етиб  
Қасамхўр чол мол-дунёга қолди ботиб.  
Зил-замбил қон ерга тушнагач, динисиз кофири,  
Арқонни ҳам олиб кетди юла-тортиб.

•  
Арқонидан априлганча Азим қолди,  
— Арқонимни нега олдинг? — деб дод солди.  
— Талай жонни шу кулфатга солганман — деб.  
Орқасига қарамасдан чол йўл олди.

Бетанинини динисалигини Азим биёдиди,  
Шум чом зарво қилмай кетди, юз ўғирди.  
Бу кофирини қайтмаслиги аниқ бўлгач,  
Ютурганча қоя бўйлаб йўл қидирди.

Ишондики, қутулмоқнинг йўли йўқ ҳеч,  
Қориг очди, кўзда ёши, йўқ танда қуч.  
Бир нимадир — емиш топиб сб олди-ю,  
Тақдирдаги бўлар деди, эртами — кеч.

Қуёш ботди, бир жой тошиб Азим ётди,  
Қош қорайгач қўрқинич, шов-шуув қанот қоқдп.  
Қараса ўт пуркар эмини аждаҳолар,  
Шунда ҳам у бир оз мизғиб, ухлаб қопти.

Үйқусидан чўчиб кетиб уйғонди тез,  
Қарасаки, аждар келар, вақт тиғиз,  
Не ҳам бўлса таваккал деб, туриб дадил,  
Ханижар билан қоқ бошпга урди шу кез.

Зарб етпб ўзи нари учиб кетди.  
Зўр дарахтни кўриб эди, шунга етди.  
Баландроқда бўлганим соз деб, ўйланиб,  
Уша туни шу дарахтни макон этди.

Бирмунча вақт мизғиди-ю, ухлаб қолди,  
Толниққал-ку, чарчаган-ку, кеч уйғонди,  
Қарасаки, аждаҳолар кўринимас ҳеч  
Ҳэз чопган аждаини таний олди.

Тирик бўлса ётарми?— деб, этди хитоб,  
Ўлган деган ўй хаёлдан ўтди шу тоб.  
Дарахтдан тез тушиб, шу дам аждахога  
Ханижарни қўлга олиб етди шитоб.

Яқин борса, ётар эди аждар ўлиб,  
Яратилган экан шундай катта қилиб.  
Шилиб олиб, терисидан тасма ясаб,  
Кунга ёйиб қуритарди кўнгли тўлиб.

Тасмалардан ясай олди узун аркон,  
Азим ботир тупимоқ учун топди имкон.  
Бир учини тояига боғлаб тунирганда,  
Аркоши ҳам мўлжаллига етди шу он.

Азим ботир таваккал деб, жондан кечиб,  
Аркон тутиб кетди шунда пастга тушиб.

Қарагат еб, тоғ олма еб, сувга қониб,  
Дарё бўйлаб кетди чунон қушдек учиб.

Тўрт кун юриб, ахир ярим йўлдан ошди,  
Шу кун олтин қаср кўрди, завқи томди.  
Тоғдаги қандай таваккал доб тушган бўлса,  
Қасрга тоғ юрак билан қадам босди.

Дарвоزادап ичкарига кирди тошиб,  
Бир уйдан сўнг иккинчига ўтди ошиб.  
Гаплашишга бирор кимса топа олмай,  
Сўнг тўрдаги уйга кирди эшик очиб.

Икки сулув қиз ўтирас тўри уйда.  
Бундай сулув туғилмаган бутун элда.  
Иккаласи сатранж ўйнаб, билмай қолди,  
Азим кириб тура қолди ўрта ерда.

Бош кўтариб иккала қиз буни кўрди,  
Лол бўлишиб, тонг қолишиб ҳолин сўрди:  
— Яхши одам боласига ўхшайсан-ку,  
Нега чолнинг жодусига ўзни урдинг?!

Сўз бошлади Азим, қизлар бергач сўроқ:  
— Мен бир ғарияб, бечораман юрган саёқ.  
Аввалида ботдан ўтган воқеани  
Лйтуб берди битта қўймай ботдан-аёқ.

Қизлар тинглаб турди, берияб зўр эътибор,  
Билишдилар Азимга эл қайсеп днёр.  
Раҳм қилиб дейишдилар: «Жигар бўлгин,—  
Бор иложии қилғусимиз, бизлар тайёр!»

— Хўп, майлига, ундай бўлса, опаларим!  
Тортмоқдаман бу дунёпинг жафоларин.  
Соғинганда ўз элимга юборгайми,  
Сўрасангиз, марҳаматли оталаринг?

— Кўнгилни тўқ тут, совутма асло биздан.  
Худо ҳаққи ваъда бердик дплимииздан.  
Хоҳлаганча тургин бизнинг қошимизда,  
Кетар бўлсанг — бу иш бизнинг қўлимиада!

Ер тутмаймиз сени жигарпора дедик,  
Дўст йўлида сенга чиндан меҳр қўйдик,  
Бир умрга бизнинг билан қолмасанг ҳам,  
Кетар бўлсанг у ёғни ҳам ғамин едик.

«Хўп бўлади» дейишди-ю, шарт боғлашди,  
Дўстлик ипин боғлаш учун ўртоқлашди.  
Учаласи нурдайин оқ кўнгил билан.  
Ваъдалашиб жигарларча қучоқлашди.

Ўхшалий ўқ бу саройда яшаб хушвақт,  
Бахти кулиб, Азим топди кучу қувват.  
Қизлар депти «истаганча ўйнаб-култин,  
Бироқ анов уйгагина кирма фақат».

Қизлар кетиб, бир қуни у қолди ёлғиз,  
Солмаганди қизлар дилга шубҳали из,  
Еш эмасми, туш пайтида май этилган  
Ўйга кирди, дейилса ҳам кирма ҳаргиз.

Кирса нарёқ бир боғдирки, пуркарди ис,  
Ўртасила ялтирайди мармар ҳовуз.

Мевазорки, бутоқлари ерга тегар,  
Булбул сайрар, таърифиға тил ҳам ожиз.

Боқса гүё марваридлар тўлиб турган,  
Парвопаси бўлиб қолар буни кўрган.  
Азим ботир тўёлмасдан қараб турса,  
Қушлар кўниб, дов-дараҳтлар қарсак урган.

*(Достон битмай колган).*

*1887.*

## *Мундарижа*

### **Шеър ва поэмалар**

- 3 Улан.  
МИРТЕМИР таржимаси
- 6 «Гўдак учун бешиги — каттакон олам...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 7 Бургутчи.  
УЙГУН таржимаси
- 10 «Ярқироқ оқ кумушдаї...»  
УЙГУН таржимаси
- 12 «Ёшлиқда билим излаб...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 13 «Қаридик, ғамга ботдик...»  
УЙГУН таржимаси
- 15 «Қаридик, ғам битмай, кўшайди армон»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 17 «Бойлар юрар...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 18 «Кўнглим қолди дўстдан-да...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 20 «Адашганинг олди — жўн...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 22 «Бўз болалик чинакам гўзал даврон...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 24 «Пигитлар, ўйин арzon...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 28 «Бозорга қараб турсам, ҳар ким борар...»  
УЙГУН таржимаси
- 29 «Илм тошмай мақтанима...»  
УЙГУН таржимаси

- 32 «Сабрсиз, орсиз әричак...»  
СУЛТОН АКЕАРИЙ таржимаси
- 35 Куз  
МИРТЕМИР таржимаси
- 36 «Ез кетди, қишининг боши...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 38 Қинш  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 40 «Вафот этса яқни дўст, гамли инсон...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 42 Қўламбойга  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 43 «Қалбингда ўтишг бўлса...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 45 «Мен ўланни ёмайман эрмак учун...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 47 «Аввалдан бир совуқ муз — акл зийрак...»  
УЙҒУН таржимаси
- 48 Ишит сўзи.  
УЙҒУН таржимаси
- 50 Қиз сўзи.  
УЙҒУН таржимаси
- 52 «Нақ биланкдай сочи унинг...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 53 «Эм тополмай...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 55 «Ўзага кўнглим тўярсан...»  
ҒУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 57 «Ошга, тўйига бораркан...»  
СУЛТОН АКЕАРИЙ таржимаси
- 59 «Ёшлик ўти ёлқинланиб...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 61 Кўклам.  
МИРТЕМИР таржимаси

- 63 «Кўзимнинг қораси...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 66 «Юрак, тепма, тепган билан...»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 67 «Хўп, ишонай, унайин...»  
РАЗЗОҚ АБДУРАШИДОВ таржимаси
- 69 «Етиб қолди куз фасли ҳам...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 70 «Баъзи ўсмир замондошлар...»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 71 «Севги тили — сўзсиз тил»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 72 Абдураҳмон хасталаниб ётганда  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 75 «Талай сўз буидан бурун кўп айтганман»  
УЙГУН таржимаси
- 76 «Оч киши юпанурми»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 78 «Ёшлик ўтди, билдингми?»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 79 «Кўланка бўй узайтиб...»  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржима
- 80 «Табиат ўлар балки...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 81 «Молга дўстнинг дўсти йўқ...»  
УЙГУН таржимаси
- 82 «Туққан ота-она йўқ...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 83 «Гоҳ бетоқат кутасан...»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 84 «Бир гўзал қиз бўлибди хон қўлидл...»  
УЙГУН таржимаси
- 86 «Кўк ола булут ..»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси

- 87 Хотини билан Масақбай.  
ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ таржимаси
- 89 «Кўк тумандир...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 101 «Кимдир сени кўпик сочиб кўп мақтади»  
АСҚАД МУХТОР таржимаси
- 92 «Тану жонга тарқалар...»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 94 «Мен нома ёзаман...»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 95 «Елеиз тунида ёруг ой...»  
УЙГУН таржимаси
- 96 «Қуввати ўтдай бурқираб...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 97 «Шум дунё тўнаб ётири...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси
- 98 «Номим одам бўлган сўнг»  
МИРТЕМИР таржимаси
- 99 «Мен кўрдим узун қайни кулаганини..»  
УЙГУН таржимаси
- 100 «Кун ортидан кун тутар»  
С. ХУДОЈБЕРГАНОВ таржимаси
- 101 «Хаста юрак тенди аста-секин»  
ГУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 102 Юрагим мешинг кирқ ямок...»  
РАЗЗОҚ АБДУРАШИДОВ таржимаси
- 103 «Нурли осмонга интилиб ўсансан сен»  
МУҲАММАД АЛИ таржимаси
- 104 «Юрагим, иени сезасан...»  
УЙГУН таржимаси
- 106 «Қўёшни вакт итариб...»  
ГУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 107 «Уиламан» деганин кўигига учун...»  
СУЛТОН АКБАРИЙ таржимаси

- 108 «Барғи сўлиб қолган...»  
ЖУМАНИЁЭ ЖАББОРОВ таржимаси
- 109 «Юрак — денгиа...»  
РАЗЗОҚ АБДУРАШИДОВ таржимаси
- 110 «Жим-жим кўнглим, жим кўнглим...»  
РУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 112 «Ярқ этмас, қаро кўнглпм...»  
УЙГУН таржимаси
- 113 «Тулниордан...»  
УЙГУН таржимаси
- 114 «Тойга миндик...»  
РУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 116 «Ўз айбимга кўз солиб...»  
РУЛОМ ШОДИ таржимаси
- 118 Маъсуд. Поэма.  
УЙГУН таржимаси
- 123 Искандар. ПоэмА.  
МИРТЕМІРРанг оркни таржимаси
- 128 Азим киссаны.  
ҲАКИМ ҲҰЖАЕВ таржимаси

*На узбекском языке*

•

## **АБАЙ**

### **СТИХИ**

**Редактор  
МИРТЕМИР**

**Рассом  
Э. ИСХОКОВ**

**Расмлар редактор  
Г. ФРОЛОВ**

**Техн. редактор  
М. МИРКОСИМОВ**

**Корректор  
Ш. ЗУХРИДДИНОВ**



БОСМАХОНАГА БЕРИЛДИ 29/IV 1970 й.  
БОСИШГА РУХСАТ ЭТИЛДИ 25/VI 1970 й.  
ФОРМАТИ 70x90<sup>1/2</sup>,  
БОСМА Л. 4,75.  
ШАРТЛИ БОСМА Л. 5,56  
НАШР Л. 3,32.  
ТИРАЖИ 10000.  
ҒАФУР ФУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЕТ ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ.  
ТОШКЕНТ, НАВОЙЙ ҚЎЧАСИ, 30.  
ШАРТНОМА № 40—70.

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ  
МАТБУОТ ДАВЛАТ  
КОМИТЕТИНИНГ  
ПОЛИГРАФКОМБИНАТИДА  
МІ КОРОЗГА БОСИЛДИ.  
ТОШКЕНТ,  
НАВОЙЙ ҚЎЧАСИ, 30.  
1970 йил. ЗАКАЗ № 300. БАҲОСИ 73 т.

**A 12**

**Абай**

Шеърлар ва поэмалар. Т., Гафур Ғулом номидаги  
адабиёт на санчат нашриёти, 1970.  
152-бет.

**Абай. Стихи.**

**C (Коз.)**

**Индекс 7-4-3.**